БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 12 (4111).
15 ЯНВАРЬ, 1980 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Беш йиллик вахтасида

СИФАТГА ЭЪТИБОР

«СССРда тайёрланган» — бу сўзлар «Компрессор» заводи меҳнатчилари учун жуда қимматли ва ардоқлидир. Заводнинг давлат Сифат белгиси туширилган буюмлари бугунги кунда жаҳоннинг 30 та мамлакатига экспорт қилинмоқда. Бу бежиз эмас, албатта.

«Компрессор»чилар завод шарафи учун курашишиб, корхонанинг барча цех, бригадаларида маҳсулот сифатига катта эътибор беришмоқда. Кўплаб ишчилар шахсий тамга билан маҳсулот ишлаб чиқаришяпти. Бу ўзининг умумий самарасини бераяпти.

Экспортга чиқариладиган ПР—10 маркали компрессорлар ишлаб чиқариш участкасида меҳнат қилувчи Александр Егоров бошлиқ бригада социалистик мусобақада ҳам, сифат учун курашда ҳам намуна кўрсатмоқда. Бу коллектив смена топшириқларини 110-115 процент адо этиб, фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрлаяпти. Коллективнинг слесарь-йиғувчилари Э. Халитов, В. Фриде ва бригадирнинг ўзи биринчи тақдимдаёқ маҳсулотни техника назорати бўлимига топширишга муваффақ бўлишяпти.

Мусобақада актив иштирок этаётган бу коллектив ойдан-ойга иш вақтидан унумли фойдаланиб, пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтирмоқда. Шунисси қувончлики, жаҳон стандартига мос буюмлар тайёрлаётган коллективнинг маҳсулотига бўлган талаб ортиб боряпти.

Л. ГЕХТМАН.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида кўплаб юқори сифатли кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Бунда 6-цехнинг илғор смена мастери Солия Курмешова билан тикувчи Раиса Шангарёванинг муносиб ҳиссаси бор.

СУРАТДА: Солия Курмешова (чапда) ва тикувчи Раиса Шангарёва тайёр костюмлар сифатини кўздан кечиришяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

В. И. ЛЕНИН ЮБИЛЕЙИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Беш йиллик — муддатидан илгари

ШАҲАР ИНДУСТРИЯСИ ОДИМИ

Ўзбекистон пойтахти индустрияси ходимлари В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигига муносиб меҳнат туҳфалари тайёрлаш учун интилиб, 1979 йил 25 декабрда муҳим халқ хўжалиги буюмлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича йиллик планни бажардилар. Бу саноат, транспорт ва алоқа корхоналари коллективларига саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича планни 2,5 процент ортиги билан бажариш имконини берди. Меҳнат унумдорлигини топшириққа нисбатан 102 процентни ташкил этди. Ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўстириш суръати 107,2 процентни ташкил этди; меҳнат унумдорлиги 1978 йилнинг январь-декабрь ойига нисбатан 6,2 процент ўсди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига ўсиши 86,1 процентни ташкил этди.

Товар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича давлат топшириғини шаҳарнинг барча районлари бажардилар.

ШАҲАР РАЙОНЛАРИДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ВА ЎСИШ СУРЪАТИ ҚУЙИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ИЗОҲЛАНАДИ:

ШАҲАР РАЙОНЛАРИ	Реализация бўйича планнинг бажарилиши (процентларда)		Утган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати (процентларда)			1979 йилнинг январь-декабрь ойларида социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши,
	1979 йил декабрь ойида	1979 йил январь — декабрь ойларида	Реализация бўйича	Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	Меҳнат унумдорлиги бўйича	
Шаҳар бўйича жами	103,6	102,5	107,6	107,2	106,2	103,0
Киров райони	90,9	103,7	104,8	103,8	102,6	101,2
Куйбишев район	95,3	100,9	103,6	103,6	103,8	100,2
Ленин райони	106,1	102,4	109,5	110,0	110,6	101,4
Октябрь райони	109,7	103,9	105,6	104,6	103,8	106,3
Собир Раҳимов райони	108,1	103,4	107,4	107,3	105,3	105,0
Сергели райони	99,4	101,0	109,3	109,3	98,9	103,4
Фрунзе райони	119,3	101,4	99,5	99,8	100,1	100,6
Чилонзор райони	103,8	103,2	107,3	108,3	103,1	102,4
Ҳамза райони	105,4	103,3	114,4	113,6	112,5	108,8

1979 йилнинг 12 ойи мобайнида Тошкент саноати планга қўшимча 71 миллион 863 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Шу жумладан, Киров райони 7.995 минг сўмлик, Куйбишев райони 4.310 минг сўмлик, Ленин райони 7.503 минг сўмлик, Октябрь райони 6.485 минг сўмлик, Собир Раҳимов райони 7.033 минг сўмлик, Сергели райони 1.344 минг сўмлик, Фрунзе райони 5.028 минг сўмлик, Чилонзор райони 4.812 минг сўмлик, Ҳамза райони 28.753 минг сўмлик планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқардилар.

В. И. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Миконд», «Узбекхлопкомаш» машинасозлик заводлари, химия-фармацевтика, электронтехника, «Ташхимсельмаш», енгил металл конструкциялар заводлари; «Ўртоқ» кондитер, тўқимачилик-галантерея, мебель ойналари, спорт буюмлари, 2-пойафзал фабрикалари, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик, «Тошкент» мебель бирлашмалари, ёғ-мой комбинати, «Средазэнерго цветмет» ишлаб чиқаришхника корхонаси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти ва бошқа корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришда юксак суръатларга эришдилар.

Кўпгина корхоналар шартномадаги мажбуриятларини бажара бориб, муҳим халқ хўжалик буюмлари ишлаб чиқариш бўйича топшириқларини муваффақиятли адо этдилар.

Шу билан бирга 1979 йил мобайнида шаҳардаги тўрт корхона маҳсулот реализация қилиш бўйича план топшириғини бажара олмади. Булар асбобсозлик заводи (Киров райони), тепловоз ремонт заводи (Ленин райони), «Узвторцветмет» бирлашмаси, темир-бетон буюмлари заводидир (Сергели райони). Бу корхоналар 2.133 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилмадилар.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»ГА ҚАРАШЛИ 4-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 110 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА ҚАБУЛ ҚИЛГАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми ва КПСС Марказий Комитетининг В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги тўғрисидаги қарорларига жавобан 4-қурилиш трести коллективи В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдиришиб, зиммаларига қўйидаги мажбуриятларни қабул қилишди.

Қурилиш ишлаб чиқаришн самардорлигини ошириш, ички резервлардан фойдаланиш, илғор иш усуллари ва методларини жорий этиш, механизацияни кенг қўллаш асосида тўрт ойлик пудрат ишлари плани 1980 йилнинг 22 апрелида бажарилади.

Иш вақти, машина ҳамда механизмлардан рационал фойдаланиш, меҳнатни илмий ташкил этиш планини жорий этиш, қўл меҳнатига барҳам бериш тўғайли 1980 йилнинг биринчи кварталида меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 0,15 процентга ўстирилади.

Тўрт ойлик уй-жой қуриш плани 1980 йилнинг 22 апрелида адо этилиб, «Тошкенткабель» заводининг 16 квартирали турар жойи фойдаланишга топширилади.

1980 йилнинг биринчи кварталида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биорганик химия корпуси, Тошкент Давлат маданият институтларининг корпуслари қурилишлари тугалланиб, фойдаланишга топширилади.

Қурилиш-монтаж ишларининг сифати кескин оширилади. Биринчи кварталда кўзда тутилган объектларнинг барчаси энг камида «яхши» баҳода фойдаланишга топширилади.

Қурилиш-монтаж ишларини ало этишда илғор форма ва методлар қўлланилади. 26 бригада Н. Злобининг бригада пудрати методи бўйича ишлашга ўтказилади ва трест ўз кучлари билан бажариши лозим бўлган барча иш ҳажмининг 60 процента пудрат усулида амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш лойиҳаларини такомиллаштириш, қурилиш материалларини тежаб-тергаб ишлатиш ва қимматбаҳо материалларни иқтисод қилиш орқали 10 куб метр ёғоч-тахта, 45 тонна цемент, 15 киловатт-соат электр энергия, 4 тонна шартли ёқилғи тежашга эришилади.

Ушбу социалистик мажбуриятлар трест ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг умумий йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Мамлакат и м и з меҳнаткашлари сайловларга тайёрланиб, ленинчи партия тевараги-даги мустаҳкам жипсликкни намойиш этмоқдалар. Совет кишилари КПСС ва Совет давлати раҳбарларини, ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, халқ зиёлилари илғор вакилларини иттифоқдош республикалар Олий Советларига ўзларининг дастлабки номзодлари қилиб кўрсатмоқдалар.

Мамлакатимизда округ сайловолди кенгашлари сайловчиларнинг юксак активлиги вазиятида ўтмоқда. Ана шу йиғилиш қатнашчилари республика давлат ҳокимияти олий органига меҳнат коллективларидан депутатликка номзод қилиб кўрсатилган ўртоқларни якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

● «Фаннинг жамоатчилик сектори»—«Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

АКТИВ ЙИҒИЛИШИ

Киров район партия комитети район идеология активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Район партия комитетининг секретари А. А. Эшонхўжаев КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан район партия ташкилоти, идеология активистларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

«Узбексель м а ш» бирлашмаси партия комитетининг секретари А. Қ. Қосимов, В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали директорининг ўринбосари Л. М. Транис, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг пропагандисти Б. С. Беликов, район комсомол комитетининг биринчи секретари С. Т. Алиев ва бошқалар музокарада сўзга чиқиб, юбилей санасига тайёргарлик юзасидан бошланғич партия ташкилотлари, меҳнат коллективларининг ишлари тўғрисида гапириб беришди, идеология ишларининг самарали форма ва методларидан фойдаланиш зарурлигига эътиборни қаратишди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Мансур Умархонов йигирма йилдирки, агрегат заводида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Тажрибали ишчи бу вақт мобайнида ойлик ва йиллик топшириқларини мунтазам ортиги билан адо этишдан ташқари 30 ёш ишчига слесарлик, 10 ёш ишчига токарлик касбини ўргатди. Шогирдлар ҳам устозлари изидан борib, нормаларини мунтазам ортиги билан адо этишяпти.

СУРАТДА: Мансур Умархонов (ўртада) шогирдлари Виктор Ким (чапда) ва Акмал Тиллахўжаев билан.

Ҳ. Суннатуллаев фотоси.

90 ХОНАДОН УЧУН

БУГУН

Юнусобод массивининг Аҳмад Дониш кўчасида яна битта тўққиз қаватли турар жой биноси қурилишида бинокорлик ишлари тугалланди.

Объектда қурилиш-монтаж ишларини Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 2-уйсозлик комбинати 27-қурилиш бошқармасининг Иван Андреев етакчилигидаги комплекс бригада қурувчилари амалга оширишди.

Пойтахтимизн и н г пешқадам қурувчиларидан ўрнак олиб ишлаётган бригада аъзолари шу кунларда ўнинчи беш йиллик план ва топшириқларини В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигигача адо этиш иштиёқида ишлашмоқда.

КОМПЛЕКС СИСТЕМА ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

КПСС XXV съезди ва партиямизнинг сўнгги Пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга ошириб келаётган Тошкент подшипниклар ремонти заводи республика қишлоқ хўжалик машиналари учун зарур бўлган подшипниклардан ҳар ойда 70 мингтасини тайёрлаб ремонт қилиб бермоқда.

Кейинги йилларда корхона маҳсулоти сифатига эътиборзлар кескин камайди. Негаки, коллектив маҳсулот сифатини яхшилаш борасида талай ишларни амалга оширмоқда. Подшипник ремонтчилар беш йилликнинг сўнгги ҳал қилувчи йили — 1980 йилда маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системасини жорий этадилар. Натижада ишлаб чиқарилаётган подшипниклар давлат Сифат белгиси аттестациясига тақдим этилади.

Маҳсулот сифатини яхшилаш ишига Аҳмад Улумбеков бошлиқ подшипникларни қайта тиклаш цехи коллективи муносиб ҳисса қўшиб келяпти. Бу ерда меҳнат қилаётган коммунистик меҳнат зарбдорлари Мария Мораль, Нина Бритенкова, Наташа Комбарова ва бошқалар смена топшириқларини 120—130 процент адо этишиб, фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда.

УНИВЕРСИТЕТНИНГ НАВБАТДАГИ МАШҒУЛОТИ

Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида шаҳар лекторлик маҳорати университетининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унда олий партия мактабининг доценти, фалсафа фанлари кандидати Ф. П. Ким «Оғзаки пропагандада диалектик логиканинг асосий талаблари», Темирйўл транспорти инженерлари институтининг доценти, фалсафа фанлари кандидати И. С. Пономарева «Лектор ва аудитория» деган мавзуларда суҳбатлар ўтказдилар.

Университет машғулотларига 250 дан ортиқ киши қатнашмоқда. Улар пропагандистлар, лекторлар ва пропаганда ходимларидир.

БАРЧАГА ЎРНАК

«Илҳомбахш меҳнатимиз — улуғ доҳиймиз юбилейига» — 2-трамвай депоси ҳайдовчилари шу кунларда ана шундай шиор остида меҳнат қилишмоқда. Ҳайдовчилар ўртасида шонли сана шарафига социалистик мусобақа кун сайин қизимоқда. Ҳайдовчи ва ремонтчилар зиммаларига оширилган мажбурият олиб ишламоқдалар. Трамвай депосининг Н. Абдуллаев, Ҳ. Содиқхўжаев, А. Голоцан сингари илғор ҳайдовчилари кунлик топшириқларни бажаришда ҳамкасбларига ўрнак бўлишяпти.

Бу ерда вақтдан ўзмб ишлаётган ишчилар сафи ҳам кун сайин кенгаймоқда. Ана шундай илғорларнинг ғайрат-шижоати туфайли ремонт ишлари сифати яхшиланиб, аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти тобора ошмоқда.

24 февраль — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ҚУВОНЧЛИ ЎЗГАРИШЛАР

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга ўтказиладиган сайлов олди кампаниясида пойтахтнинг Фрунзе районида 37 агитпункт ва сайловчилар клублари иш олиб бормоқда. Аҳоли ўртасида карийб икки юзга яқин халқ депутатлари ва 2200 дан зиёд агитаторлар сиёсий-оммавий ишларни олиб бормоқдалар.

Улар сайловчилар билан бўлган учрашувларда, саноат корхоналари ва қурилиш коллективлари олдида сўзга чиқиб, олдинги сайловдан буён ўтган икки ярим йил мобайнида шаҳримиз ва райондаги беқиёс ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилмоқдалар. Сайловчилар наказларини амалга ошириш туфайли бир қатор маданий-маиший, савдо ва коммунал хизмати кўрсатадиган корхоналар, Б о г д а н Хмельницкий кўчасида замонавий уй-жойлар комплекси бунёд этилди. Ўтган сайловдан буён ана шу уй-жойларда 2 мингдан ортиқ кишилар уй тўйи ўтказишди. Янги-янги мактаб, мактабгача ёшдаги болалар, соғлиқни сақлаш муассасалари, аптека ва бошқа бинолар қурилди, катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, учта янги автобус маршрути йўлга қўйилди.

САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Куйбишев район юридик консультациясининг ходимлари республика пойтахтининг шу районидаги ўн олтита агитпунктни о-таликка олишди.

Юристлар сайловчилар ҳузурида лекциялар ўқийдилар. Ўзбекистон ССР Олий Советига ва республика халқ депутатлари Маҳаллий Советларига ўтказиладиган сайлов тўғрисидаги қонунларни тушунтиришда агитаторларга ёрдам бермоқдалар. Адвокат М. С. Симкин 223-мактабда жойлашган агитпунктда «Совет сайлов системаси — жаҳонда энг демократик сайлов системасидир» мавзуида лекция ўқиди. Граммпластинка л а р заводи районида очилган агитпунктда адвокат В. Р. Ришин «Депутат — халқ хизматкори» мавзуида суҳбат ўтказди.

Юридик консультация коммунистларининг ташаббуси билан барча агитпунктларда ҳуқуқий справка столлари ташкил қилинди. Бу ерда тажрибали юристлар ҳафтада бир неча мартадан навбатчилик қилиб, сайловчиларга зарур маслаҳатлар берадилар.

Ҳамза районидаги юридик консультация ходимлари ҳам ана шундай ташаббуси билан кўзга кўрсатдилар. В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, 1-уйсозлик комбинати, тегирмон комбинати, 84-ҳунар-техника билим юрти клубларида жойлашган агитпунктларда Совет Демократияси тўғрисида, гражданларнинг СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституцияси гарантиялаб берган ҳуқуқлари ҳақида дастлабки лекциялар ўқилди. Район агитпунктларида юридик консультациялар ташкил қилинди.

(ЎзТАГ).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АКАДЕМИГИ Ғ. О. МАВЛОНОВНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Геология-минералогия фанларини ривожлантиришдаги, илмий кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ғани Орифхонович **Мавлонов Октябрь Революцияси** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1980 йил 15 январь.

Рустам Ҳайитов «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчиларидан саналади. У электр шчитларини йиғиш билан шуғулланади. Илғор ишчи ҳамиша аъло сифатли маҳсулот тайёрлаб, смена топшириқларини ортиғи билан адо этяяпти.

СУРАТДА: илғор ишчи Рустам Ҳайитов.

И. Глауберзон фотоси.

телетайп лентасидан

● ПРАГА. Прага техниклар уйида ташкил этилган сифат ва пухталик кабинетининг асосий вазифаси маҳсулот сифатини контрол қилиш прогрессив методини пропаганда қилишдан иборат.

«Биз илғор совет методларини ёйишга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Бу методларда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш проблемаси комплекс ҳал этилади. Улар Чехословакиянинг бир қанча корхоналарида кенг қўлланилмоқда».— деди кабинет раҳбари А. Жалудова.

Фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишга бағишланган кўчма виставка илғор тажрибани пропаганда қилишда муҳим роль ўйнади.

● ВАШИНГТОН. АҚШ савдо министрлиги хабар қилганидек, ўтган йилнинг ноябрь ойида қурилиш саноатида капитал маблағ ажратиш ҳажми 1,3 процент қисқарган. Ўтган йили ҳаммаси бўлиб саноатнинг бу тармоғида капитал маблағ 4 миллиард доллар қисқарган. Мамлакатдаги кўзга кўринган экономистларнинг фикрича, бу ҳол иқтисодий ривожланиш суръатларини умумий сусайиб кетганлигидан далолат беради. Бу эса ишсизлар сонини албатта кўпайтиради.

● БАҒДОД. Ироқдаги синтетик газламалар давлат корхонаси 1979 йилда 31 миллион метр — ўтган йилдагидан 1 миллион метрдан кўп турли синтетик газламалар ишлаб чиқарди.

Келаси йили мамлакатдаги ана шу энг катта комбинат ўз маҳсулотини ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришни, унинг турларини янгилашни мўлжалламоқда.

● ТОКИО. Японня миллий мудофаа бошқармасининг Мита шаҳрида «ўз-ўзини мудофаа қилиш кучлари» базасини қуриш тўғрисидаги режаларига қарши норозилик ҳаракати кучайиб бормоқда. Бу базада ҳарбий идоралар «Ника» марнали зенит ракеталари учун старт майдончаларини жойлаштиришни мўлжалламоқда. «Анахата» газетасининг хабар қилишича, Японияда Осака ва Хиого префектураларининг демократик ва тинчликсевар жамоатчилиги бошқармининг хатарли планларини қоралаб 13 январь куни ана шу харбий объект қурилишига қарши оммавий норозилик ҳаракатини ўтказишга қарор қилди.

● ДАКАР. Мавритания ҳукуматининг янги раҳбари Муҳаммад Хуна Ульд Хейдалла унинг ҳукумати тинчлик ва тараққиёт сари регионда яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга интилаётганлигини тасдиқлади. Матбуот конференциясида сўзга чиқиб, у мамлакат бундан буён ҳам Ғарбий Саҳрои Кабир келажагига таллуқли бўлган можарога нисбатан бетараф-лик позициясида туришини таъкидлади. Мавритания, деди у, Ғарбий Саҳрои Кабир можаросига тортилган барча томонлар бетарафликка риоя қилиш борасида у тутган йўлни ҳурмат қилишган тақдирдагина магриб районида тинчликни мустаҳкамлаш ахтаришда иштирок этади.

(ТАСС).

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 110 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ ТАЪСИРЧАН ВА ОММАВИЙ БЎЛСИН

М. Ф. СОЛДАТОВ,

Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари.

Владимир Ильич Ленинга халқларнинг муҳаббати чексиздир. Илмий тафаккурнинг буюк даҳоси ва ҳақиқий халқ йўлбошчиси, оташин революционер Ленин ўзининг бутун ҳаётини буюк ва олижаноб ишга — пролетариатни ва барча меҳнаткашлар оммасини социал озодликка чақириш учун, меҳнат аҳлининг бахт-саодати учун курашга бағишлади. Ленининг номи пролетар революцияларининг, социализм ва тараққиётнинг рамзи, дунёни коммунистик ўзгартишнинг рамзи бўлиб қолди.

В. И. Ленининг бизга қолдирган маънавий бойлиги беқиёс ва кўп қирралидир. Шуни айтиш кифояки, унинг адабий ва ҳужжатли мероси 30 мингдан зиёд қўлёзма, хат ва бошқа материалларни ташкил этади. Бу — партиянинг ва дунёда биринчи социалистик давлатнинг раҳбари доҳиёна ақли тадқиқотчилик ишларининг ва беқиёс ташкилотчилик фаолияти тажрибасининг самараларини ўзида мужассам этган революцион фикрнинг хазинасидир.

«В. И. Ленин асарларидек асарлар кўп тарқалган одам ер юзида бўлган эмас ва йўқ», — деган эди Л. И. Брежнев. Барча мамлакатлар, барча қитъаларда кишилар улардан яшаш ва курашишни ўрганмоқдалар. Ҳозирги пайтда В. И. Ленининг асарлари жаҳоннинг 134 халқлари тилларига таржима қилинган ва таржималар миқдори бўйича биринчи ўринни эгаллайди. Ленин ер юзида асарлари энг кўп ўқиладиган муаллифдир. 1918 йилдан бери фақат СССРдагина унинг нашр этилган асарлари умумий нусхаси ярим миллиардан ошиб кетди.

«Миллион-миллион мазлумлар ва эксплуатация қилинувчилар, барча меҳнаткашлар учун ленинизм дунёни социал жиҳатдан янгилаш рамзи, давримизнинг революцион байроғи бўлиб қолди, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарорида. — XX асрнинг ҳамма буюк революцион воқеалари Ленин номи билан, унинг таълимоти билан боғланган. Марксизмни ривожлантиришга Ленин қўшган янгиликни ҳисобга олмай туриб, марксизмни тасаввур этиб ҳам бўлмайди. Ленинизм — ҳозирги даврнинг марксизмидир, халқаро ишчилар синфининг узлуксиз ривожланиб борувчи, ягона, яхлит таълимотидир».

Мамлакатимиз халқлари Коммунистик партия раҳбарлиги остида Ленин йўл-йўриқларини бажара бориб, қудратли кўп миллатли давлат — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини яратди, тарихан жуда қисқа муддат ичида мамлакатни индустриалштирди, қишлоқ хўжалигини коллективлаштирди, маданий революцияни амалга оширди, илғорлари мазлум бўлган миллатлар қолоқлигига барҳам берди, Октябрь ғалабаларини гражданлар уруши йилларида, ички ва ташқи контрреволюцияга қарши курашда, Улуғ Ватан уруши йилларида фашизмга қарши курашда ҳимоя қилиб қолди.

Ривожланган социалистик жамият қурилганлиги Ленин ғояларини ҳаётга тадбиқ этишда КПСС билан совет халқи фаолиятининг жаҳоншумул-тарихий якуни бўлди. Бу жамиятда янги тузумнинг яратувчилик кучлари, унинг ҳақиқий гуманистик моҳияти тўла намоён бўлмоқда.

Ленин социализм учун ишчилар синфи революцион курашининг мазлум халқлар миллий-озодлик ҳаракати билан бирлиги буюк ғоясини илгари сурди. Бу ғоя Ўрта Осиёда реал суратда ҳаётга жорий этилди. Бунда социалистик революция миллий-озодлик революцияси вазифаларини ҳам ҳал этди. Шарқ совет республикаларининг халқлари капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, асрий қолоқликдан социал тараққиёт чўққилари сари жуда катта қадам қўйдилар.

Янги Тошкент марказида Ильичга қўйилган ҳайкал коммунизм учун курашда Совет Иттифоқи халқларига йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилаётган ўлмас таълимотни яратган инсонга Ўзбекистон меҳнаткашларининг чуқур ҳурмати ва чексиз муҳаббатининг рамзидир.

Владимир Ильич Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги КПСС Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ катта умумхалқ байрами сифатида нишонланади. Бутун мамлакатимиздаги сингари Тошкент меҳнат коллективларида тантанали йиғилишлар бўлиб ўтади. Партия ташкилотлари ва идеология муассалари доҳий юбилейига таёргарлик кўриб, партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорларини бажаришга, ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш ва ўн биринчи беш йилликни бошлаш учун яхшигина асос яратишга меҳнаткашларни сафарбар этиш юзасидан сиёсий ва ташкилотчилик ишларни тобора кенг тус олдирмоқдалар. Ана шу мақсадларда партия ташкилотлари Ленин юбилейини муносиб кутиб олишга қаратилган шаҳарликларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини янада ривожлантириши идеологик жиҳатдан таъминлашга қаратилган ташкилий-пропагандистик тадбирларни ишлаб чиқмоқдалар ва уларни изчил амалга оширадилар.

Партия, давлат ва хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг диққат марказида халқ хўжалигининг барча соҳаларида иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқаришни интенсивлашни, илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, планлаштириш ва экономикани бошқаришни такомиллаштириш, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш, топширилган иш учун шахсий масъулият ҳиссини кучайтириш масалалари турибди.

Шу йилнинг март-апрель ойларида ҳамма жойда «Ленинчасига, коммунистчасига яшайлик, ишлайлик ва курашайлик» мавзуида партия очиқ йиғилишлари ўтказилади. Уларда КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарори, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари асосида партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама этилади. Ҳар бир коммунистнинг умумий ишга қўшган ҳиссаси ленинча юксак талаблар асосида принципиаллик ва ишчанлик билан таҳлил этилади. Ленин яратган партиянинг аъзоси бўлишдан каттароқ масъулият йўқ. Бу ҳамма вақт ва ҳамма жойда олижаноб коммунистик мақсадларга ғоявий эътиқодни, садоқатни, ленинча ғоялар тантанаси йўлида ўзининг бутун кучини бағишлашга шай ҳолда туришни намоён этиш демакдир. Бу меҳнатда ва ўқишда, жамоат ҳаётида ва турмушда бошқаларга намуна бўлиш демакдир.

Ҳозир мамлакатда В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли якунлаш учун социалистик мусобақа тобора кенг тус олмоқда. Иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларига, халқ депутатларининг маҳаллий Советларига сайловларга тайёргарлик янги меҳнат ва сиёсий кўтаринкиликни жўш урдириб юборди.

Тошкент меҳнаткашлари Ленин юбилейига муносиб тайёргарлик кўриб, ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажаришда кўпгина ютуқларни қўлга киритдилар. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми тўрт йилда ниландги 30,8 ўрнига 32,9 процент ошди. Планга кўшимча 339 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди. Сифат белгиси олган буюмларни ишлаб чиқариш икки ярим баравардан кўпроқ кўпайди.

Ҳозирги пайтда Тошкентнинг 12 мингдан зиёд меҳнатчиси ўз беш йиллик топшириқларини бажариб ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишлашмоқда. 125 минг ишчи В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олишга интилиб, бу шонли санагача шахсий беш йиллик топшириғини бажариш учун социалистик мусобақага қўшилишди. «Ташсельмаш» заводининг слесари Маҳмуд Мўйдинов, тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Евгения Гуйна, «Ўзгоскомсельхозтехника»нинг тажрибамеханика заводи токари Юсуфжон Маҳмуджонов, Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси Алла Ким ва кўплаб бошқалар ана шу ҳаракатнинг ташаббускори бўлишди.

Партия коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда идеологик фаолиятга катта аҳамият бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленумида халқ хўжалигининг ҳозирги вазифалари билан бирликда бу ишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Булар, энг аввало, социалистик мусобақани ҳар томонлама ривожлантириш, уни сифат кўрсаткичларини яхшилашга йўналтириш, мўқобил планларни бажариш учун кураш, илғор тажрибаларни, меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам берувчи илғор форма ва методларни қўллаб-қувватлаш ва кенг ёйиш, иқтисод режимини кучайтириш, моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, меҳнат интизомини бузишга қарши курашдан иборат.

Бу талаблар Ленин юбилейига ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш давридаги ғоявий-тарбиявий ишларни ташкил этишда мунтазам ҳисобга олиниши керак.

Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида идеология ишида дабдабабозлик ва шовқин-сурон, В. И. Ленин «сиёсий вайсақилик» деб атаган нарса камроқ бўлишини уқтириб ўтган эди. Совет кишилари билан ошкора, жиддий, асосли равишда гаплашиш керак. КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори, идеология ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши мана шунга даъват этади.

Партия пропагандаси ва сиёсий агитация максимал даражада аниқ бўлиши, одамларни тўлқинлантираётган ҳамма саволларга ишонарли равишда, ишни билган ҳолда жавоб бериш керак. Мана шундагина коммунист, агитатор ва пропагандистнинг сўзи меҳнатдаги ғайрат-шижоатда, меҳнаткашларнинг куч-ғайратларида мужассамлашиши мумкин.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги ва совет давлати ҳаётидаги бошқа шонли сана ва воқеаларга тайёргарлик кўриш ва уларни нишонлаш даврида тўпланган ғоявий-тарбиявий иш тажрибаларидан фойдаланиб, меҳнаткашларни В. И. Ленин ҳаёти ва фаолияти. Коммунистик партия ва совет халқининг жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашга алоҳида эътиборни қаратиш керак.

Ҳозирги пайтда марксизм-ленинизм асосларининг 400 мактабида ва комсомол сиёсий маорифининг 34 тўгарагида 17 минг тингловчи В. И. Ленининг таржимаи ҳолини ўрганмоқдалар. 15 мингдан зиёд киши ленинча назарий меросни чуқур ўрганиш бўйича курсларда шуғулланмоқда. Партия ва иқтисодий ўқувнинг тингловчилари ўқув программаларини ўтиш чоғида Ленинга, партия ҳужжатларига тобора кўпроқ мурожаат қилмоқдалар. Халқ университетларининг (шаҳарда 212 та ана шундай университет бор) ўқув планларига ленинча ғояларнинг улуғворлигини кўрсатувчи материаллар киритилган.

Ленин юбилейи йилида комсомол ўқуви-оммавий иқтисодий таълим системасида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида олиб бориладиган барча ғоявий-тарбиявий ишларда тингловчиларнинг Маркс, Энгельс, Ленин асарларини, КПССнинг тарихий тажрибасини конкрет иқтисодий ва сиёсий проблемаларни ҳал этиш билан узвий боғлиқ ҳолда чуқур ўрганишларига алоҳида эътиборни қаратиш лозим.

Бунда ленинча ғояларнинг халқаро аҳамиятини актуаллигини, буюк кучини ҳар томонлама очиб бериш. Ленин васиятларини ҳаётга тадбиқ этиш, революцион таълимотни ижодий ривожлантириш юзасидан партиянинг революцион-ўзгартирувчилик фаолиятини кенг кўрсатиш керак. Ҳозир корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда ижтимоий-сиёсий ва ленинча ўқишлар ўтказилянти. Уларда олимлар, лекторлар, адабиёт ва санъат арбоблари иштирок этишянти. В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида оммавий нусҳада нашрлет томонидан икки серияда брошюралар чиқарилди. Бу ишни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш керак.

Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, «Билим» жамиятининг шаҳар ва район ташкилотлари шаҳар аудиторияларида, меҳнат коллективларида ленинча ўқишлар, лекциялар туркуми, Ленинома, тематик кечалар ва бошқа оммавий тадбирлар тематикасини ишлаб чиқишлари ҳамда бу тадбирларни кекса большевиклар, гражданлар ва Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонлари, социализмнинг актив бунёдкорлари, таниқли олимлар, ишлаб чиқариш новаторлари, раҳбар партия, совет ва хўжалик ходимлари иштирокида ташкил этишлари зарур.

Партия, совет, комсомол, касаба союз ва хўжалик ходимлари, пропагандистлар сиёсий ахборотчилар, агитаторлар, кўп нусҳали газеталарнинг ишчи мухбирлари учун В. И. Ленининг фаолиятига, ленинча ғояларни амалга оширишга бағишланган назарий илмий-амалий ва информацион конференциялар ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Маданий-оқартув муассасаларимизда мавжуд бўлган имкониятлардан самаралироқ фойдаланишга эътиборни қаратиш керак. Барча маданият саройлари, кутубхона, музейларда, маданият ва дам олиш боғларида лекция ва бошқа оммавий тадбирлардан ташқари В. И. Ленининг фаолияти тўғрисида, виставкалар, тематик паннолар, В. И. Ленин ва унинг энг яқин сафдошлари нутқлари ёзилган грампластинкаларни эшитишни ташкил этиш лозим. Театрларда, клуб саҳналарида Ленининг ҳаёти ва фаолиятига, унинг буюк васиятлари ҳаётга жорий этилаётганига бағишланган спектакль ва концертлар мунтазам қўйиб борилиши зарур.

Бир қатор умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртларида, олий ўқув юртлари ва техникумларда, шаҳарнинг корхона ва ташкилотларида Ленин хоналари, Ленин музейи, жанговар ва Меҳнат шон-шуҳрати музейлари бор. Уларда доҳийнинг юбилейини муносиб кутиб олиш юзасидан катта тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Бу ерларда суҳбат ва лекциялар, партия ва меҳнат ветеранлари билан суҳбатлар ўтказиляпти.

Сиёсий маориф кабинетлари, кинотеатрлар, кутубхоналар, музейлар, агитпунктлар, Ленин хоналари, қизил бурчакларни энг яхши безатиш ва улар ишининг мазмунини бойитиш юзасидан жамоатчилик кўрик-конкурсларини ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Бу ишларни ташкил этишда ҳақли равишда В. И. Ленин Марказий музейининг филиали методик марказ ролини ўйнайди. Янгиланган экспозициялар, экскурсоводларнинг оташин сўзлари улуғ Ленин образини янада ёрқин акс эттириши лозим. Музей В. И. Ленининг таржимаи ҳолини, ленинча назарий меросни ўганиш юзасидан семинар раҳбарлари билан машғулот ўтказишда партия комитетларига ёрдам бериши зарур.

Мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар, олий ўқув юртларининг партия ва комсомол ташкилотлари ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш юзасидан турли тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор беришлари лозим.

Шаҳар матбуоти, радио ва телевидениеси кўпгина ишлар қилиши лозим.

Ўзбекистон пойтахтининг барча партия ташкилотлари, идеологик муассасалари, агитатор ва пропагандист кадрлари Ленин юбилейига тайёргарлик кўришга муносиб ҳисса қўшадилар, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилини ленинчасига, коммунистчасига ишлаш йилига айлантирадилар.



СУРАТДА: Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадам тикувчи-мотористкаси Фарида Тошпўлатова аниқ ва эттирилган. У кунлик смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этиб, ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

Р. Загратдинов фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

САНОАТ ВА АҲОЛИНИНГ ШАҲАРЛАРГА ТЎПЛАНИШИ

ВАРШАВА. ПХР-нинг почта справочникига тузатиш киритилди. Мамлакатнинг жануби-шарқида энг катта иссиқлик электр-станцияси қад кўтараётган Полянец посёлкаси 1980 йил биринчи январдан бошлаб шаҳар ҳуқуқини олди.

Халқ Совети депутатлари энергетикларнинг шу янги шаҳрини ривожлантириш программасини муҳокама қилдилар ва маъқуллладилар. Республикадаги барча 730 кичик шаҳарда аҳоли ва саноатнинг тўпланиш жараёни 70-йилларнинг энг характерли хусусиятидир.

Социалистик ўзгартиши, индустрлаштиришнинг кенг қулоч ёйганлиги Халқ Польшасининг қиёфасини тўбдан ўзгартириб юборди. Эндиликда унинг харитасида 803 та шаҳар кўрсатиб ўтилган. Бу шаҳарларда 20,5 миллион киши ёки бутун мамлакат аҳолисининг 57,5 процента истиқомат қилади.

ТЕЛЬ-АВИВЛИК «АРХЕОЛОГЛАР»

БАЙРУТ. Қуддус шаҳрининг собиқ ҳокими Рухи Ал-Хатиб Исроил маъмурларининг Шарқий Қуддусдаги туб Араб аҳолисига нисбатан қилаётган ўзбошимчалигига қарши қатъий норозилик билдирди. ВАФА Фаластин ахборот агентлиги берган баёнотда, у оккупациячи маъмурлар мусулмонларнинг муқаддас жойи — «Ал-Акса» масжиди атрофида «археологик қазишмалар» ўтказиш баҳонаси билан уч мингдан кўпроқ арабни уйларидан кўчириш ниятидадирлар, деб таъкидлади.

Босқинчилар 1967 йилда Шарқий Қуддусни оккупация қилганларидан кейин шаҳарнинг бутун-бутун кварталларини, у ердаги бебаҳо тарихий ёдгорликлар бўлган кўпгина иморатларни вайрон қилдилар, мусулмонларнинг даҳмаларини талаб, уларни таҳқирладилар, деб уқтирди ҳоким. Ана шундай ҳаттиҳаракатлар натижасида, деди Ал-Хатиб, Қуддуснинг ўн мингларлаб аҳолиси бошпанасиз қолди ва жонажон шаҳарни ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Эндиликда, деб таъкидланади баёнотда, Тель-Авив яна 18 мингдан кўпроқ арабни Қуддусдан кўчириб юборib, исроиллик келгиндилар учун жой бўшатишни мўлжалламоқда.

Рухи Ал-Хатиб халқаро ҳамжамиятга мурожаат этиб, Исроил маъмурларининг шаҳарни ваҳшийларча йўқ қилишига ва уни «яҳудийлаштириш»га чек қўйишга чақирди.

СТАТИСТИКА ВА ҲАҚИҚИЙ АҲВОЛ

ВАШИНГТОН. Қўшма Штатларда ишсизлик тобора кўпаймоқда. Меҳнат министрлигининг хабар беришича, декабрда ишсизлик жами ишчи кучлари орасида 5,9 процентга етди. Демак, ҳозирги вақтда АҚШдаги «ортиқча кишилар» армияси сони 6 миллион кишидан ошади.

Лекин ҳукуматнинг маълумотларида ишсизлик даражаси атайлаб камайтириб кўрсатилган. Улар ишга жойлашиш йўлидаги ҳар қандай умиддан маҳрум бўлиб, меҳнат биржасида рўйхатдан ўтмаётган миллионлаб америкаликларни ҳисобга олмаяптилар. Касаба союзларнинг фикрича, АҚШда ишсизларнинг ҳақиқий сони расмий маълумотдагига қараганда кам деганда икки баравар ортиқ.

ТЎРТ ЙИЛНИНГ ЯКУНИ

УЛАН-БАТОР. Монголияда олтинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида капитал қурилиш ишларида 12 миллиард тўғрик маблағ ўзлаштирилди. Бу эса илгариги беш йилдаги нисбатан 71,4 процент кўп. Ўтган даврда мобайнида республикада 3 мингдан зиёд саноат ва социал-маданий объектлар қурилди ҳамда фойдаланишга топширилди. 1979 йилнинг ўзидагина 600 дан кўпроқ шундай объект фойдаланишга топширилди.

ИНГЛИЗЧА «ТЕНГЛИК»

ЛОНДОН. Даромадлар ва бойликларни тақсимлаш комиссиясининг маълумотларига кўра, Буюк Британия аҳолисининг бир процента мамлакат миллий бойлигининг 25 процентини эгаллаб олган. Шу комиссия эълон қилган ҳужжатда айтилишича, Англия экономикасида кам ҳақ тўланадиган жами ишчиларнинг 75 процента хотин-қизлардир.

ГДР ПЛАСТИНКАЛАРИ

БЕРЛИН. Бу йил ГДРда қариб 300 хил грампластинкалар ишлаб чиқарилади. Уларнинг умумий тиражи 200 миллион нусхага боради.

Бетховен ва Моцарт, Чайковский ва Шостаковичнинг машҳур музикачилар ижросида ёзиб олинган асарлари программага киритилган. Эстрада музикаси шинавандалари социалистик мамлакатлар вокалчолгу асбоблари ансамблларининг янги композициялари билан танишадилар.

ПЕСОСНИНГ ҚАДРСИЗЛАНИШИ

БОГОТА. 1979 йилда Колумбия миллий пул бирлиги 7,3 процент қадрсизланди.

Ўтган ўн йил мобайнида мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши якунларини шарҳлаб, «Республика» газетаси бундай деб ёзади: 1970 йилдан 1980 йилгача ўтган давр мобайнида Колумбия песоси Америка долларига нисбатан 95 процентдан зиёд девальвация қилинди.



Италиянинг пойтахти Рим жаҳондаги энг қадимий шаҳарлардан биридир. У бизнинг эрамиздан олдинги 753 йилда бунёд этилган. Бу шаҳар ўзининг антик ёдгорликлари билан кишилар диққатини ҳали ҳам ўзига тортиб келмоқда. Сиз суратда кўриб турган емирилиб бораётган мана бу бино саҳнаси бир неча юз йиллар давомида байрам намойишлари ва гладиаторларнинг ўзаро тўқнашувлари учун хизмат қилиб келган.

ТАСС фотохроникаси.

ДОСААФ ТАШКИЛОТЛАРИДА

МУДОФАА ЖАМИЯТИ САФЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида Тошкент шаҳар ДОСААФ комитетининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда шаҳар ДОСААФ комитетининг раиси Ш. У. Умаров ҳисобот доклади қилди.

Докладчи КПСС XXV съезди қарорларини оғишмай амалга ошираётган Тошкент шаҳрининг мудофаа ташкилотлари ҳарбий-ватанпарварлик, оммавий-мудофаа, физкультура ва спорт ишлари сифатини янада яхшилашга салмоқли ҳисса қўшаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Шаҳардаги кўпгина бошланғич ДОСААФ ташкилотлари, ҳақиқий маънода оммавий-мудофаа ишларининг марказига айланиб қолган. Район ДОСААФ комитетлари бошланғич ташкилотларга раҳбарлик қилишни янги босқичга кўтаришди. Улар аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида совет халқи шонли Қуролли Кучларимизнинг жанговар анъаналарини пропаганда қилишни янада авж олдирдилар.

Партия ва совет органларининг бевосита раҳбарлигида шаҳар ДОСААФ комитети томонидан кадрларни танлаш, мудофаа жамияти кадрларини тайёрлаш сифатини янада яхшилаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Ҳозир шаҳар аппаратида, район комитетларида, спорт-техника клубларида ишлаётган кўпгина ходимлар ўз вазифаларини яхши биладиган, ҳозирги замон талабига жавоб берадиган кишилардир.

Мудофаа жамияти аъзоларини Қуролли Кучларимизга чексиз муҳаббат руҳида тарбиялаш, спортнинг ҳарбий-техник турларини ривожлантириш оммавий мудофаа ишларининг бош йўналишини ташкил этади. Ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий формасига лекция, доклад, ҳарбий-ватанпарварлик темасида суҳбатлар, Совет Иттифоқи ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар ўтказиш, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали Туркистон ҳарбий округининг музейига экскурсиялар уюштириш, совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати жойлари бўйлаб юришлар уюштириш, ҳарбий қисмлар, ҳарбий ўқув юртларини борib кўриш, «Орлёнок», «Зарница» сингари ҳарбийлаштирилган ўйинларда иштирок этиш ва бошқа тадбирлар киради. Ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбияси бўйича катта қабул қилинган комплекс планни амалга ошириш учун ҳисобот даврида Тошкент шаҳрида 56 минга яқин тадбир амалга оширилди. Ҳозир барча ўқув юртларида жанговар шон-шуҳрат хонаси ва бурчаги мавжуд. Ўрта мактаб, ҳунар-техника билим юртлари ва техникумларда «Зарница» ва «Орлёнок» сингари ҳарбийлаштирилган спорт ўйинларини оммалаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бу тадбирларни ўтказишда ўқувчиларнинг кўпчилик қисми иштирок этяпти.

Октябрь районидаги 59, 180, 157, Собир Раҳимов районидаги 242, 233, 159-мактаблардаги бошланғич ташкилотларда ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш юзасидан ҳарбий тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Корхона, ўрта махсус таълим ўқув юртларида ташкил қилинган ўқув пунктларида ҳарбий хизматга чақирилув ёшида бўлган ўсмирлар тажрибали запасдаги офицерлар раҳбарлигида дастлабки ҳарбий билимларни пухта ўрганиб, жанговар қуроллари ишлатиш сирлари билан танишмоқда. Қисқаси, улар Ватанимизнинг ҳақиқий мудофаачилари бўлишга тайёргарлик кўришяпти.

243 гражданин авиацияси заводи, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Октябрь революцияси номидаги завод, тўқимачилик комбинати, В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида дастлабки ҳарбий тайёргарлик ишлари жуда яхши олиб борилмоқда.

Спортнинг ҳарбий-техник турлари ёшларни СССР Қуролли кучлари сафларида хизмат қилишга тайёрлашнинг ажралмас қисми бўлиб қолди. Ҳисобот даврида спортнинг ҳарбий-техник турлари бўйича беш мингга яқин мусобақа ўтказилди. Бу мусобақаларда 465 минг киши қатнашди, 70991 разрядли спортчи, шу жумладан 7 спорт мастери, 78 спорт мастерлигига кандидат, 639 биринчи разрядли спортчи тайёрланди, 297222 киши ГТО комплекси нормативини бажарди.

Шаҳар ташкилоти 1977—1979 йилларда спортнинг ҳарбий-техник турлари бўйича ўтказилган СССР халқларининг Спартакиадасида актив қатнашди. Натижада у Тошкент областида биринчи ўринга чиқиб олди. СССР ДОСААФи Марказий Комитетининг 9 дипломидан 7 тасини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

ДОСААФнинг кўпгина ташкилотлари спорт ишларини янада активлаштирдилар. Бу ташкилотларнинг кўплари оммавий тус олган мерганлик билан бир қаторда ҳарбий-амалий кўпкураш, автомобиль, мотоцикль, автомобиль модели, радио-спорт, кема моделизмини ривожлантиришга катта аҳамият беришмоқда.

ДОСААФ фаолиятида халқ хўжалиги учун зарур бўлган кадрлар ва мутахассисларни тайёрлаб бериш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқаришлаётган техниканинг кўпайиб борищи билан бир қаторда ҳарбий-амалий аҳамиятга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашга бўлган эҳтиёж ҳам ошиб бормоқда. Ўтган уч йил давомида юқорида қайд қилинган мутахассисларни тайёрлаш йилига 10—12 процент ошириб бажарилди. Ўтган йили бу соҳадаги план 123 процент бажарилди.

ДОСААФ ташкилотлари ишларининг сифати ва самарадорлигини оширишда комитет томонидан ҳисобот-сайлов кампанияси давомида белгиланган таниқдий таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиш катта роль ўйнади. Тўғрисини айтганда ҳали ишларимизда анча нуқсонлар бор. Агар Тошкент бўйича катта ёшдаги аҳолининг 91,3 процента ДОСААФ аъзоси ҳисобланса. Ҳамза районида бу кўрсаткич 82,9 процентни, Сергели районида 84,4 процентни ташкил қилади. Куйбишев, Акмал Икромов ва Ҳамза районларидаги бир неча меҳнат коллективларида ҳанузга қадар бошланғич ташкилотлар ташкил этилмаган.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Собир Раҳимов, Октябрь ва Киров районларидаги спорт-техника клублари мутахассислар тайёрлаш бўйича кун тартибига қўйилаётган талабларга жавоб бермайди.

Ўқув базаларини жиҳозлаш ишларида ҳам қатор нуқсонлар бор. Ўқув классларини макетлар, стендлар ва техника воситалари билан таъминлашни яхшилаш лозим.

Конференцияда Тошкент область ДОСААФ комитетининг раиси У. Ғ. Шокиржонов, Фрунзе район партия комитетининг секретари М. Х. Умаров ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқишди.

Конференцияда 1980 йил учун социалислик мажбурият қабул қилинди.

Конференцияда Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин иштирок этди ва сўзга чиқди.

ОЛИМ БЎЛСАНГ— ОЛАМ СЕНИКИ

ИККИ ДАРЁ ОРАЛИҒИДАГИ ЖАННАТ

ҚАДИМДА МОВАРОУННАҲР АТАЛГАН ЎЛКАМ, БУГУНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЯШНАГАН, ҚЎРКАМ.

Ёқут Ҳамавий 1220 йили кўп йиллик сафаридан яна Мавсилга қайтиб келади. Бошлаган илмий асари «Муъжам ал-булдон»ни тугатиш учун Мавсилда, Марв ва Хоразмдагидек, қулай шароит тополмаган ва Чингизхоннинг босқинчилик юриши натижасида обод шаҳарларнинг вайрон қилиниши, аҳолисининг гуноҳсиз ўлдирилиши ва илм-фанни оёқ ости қилинишидан қаттиқ изтироб чеккан Ёқут машҳур вазир ва философ Ибн ал-Қифтий (вафоти 1248 йил) га қуйидаги мазмунда хат ёзади:

«Мен Марвда бўлдим, у ерда кутубхоналар, ақлли донишмандларнинг асарлари ва илм-фан мендан бола-чақа ва ёр-дўстларни унутдириб юборди. Қидириб юрганларим — китобларни у ердан топиб, улардан фойдаланишга бутун ҳирсим билан берилдим. Марвнинг яхши боғ-роғлари, одамлари ва уларнинг яхши хулқларидан лаззатландим. То тупроққа киргунимча ўша ерларда бўлишга ният қилган эдим, лекин Хуросон воқеаси (мўғуллар юриши) пайдо бўлиб қолди. Ҳақиқатан ҳам у ерларнинг тоза ҳавоси, чиройли боғлари, дарахтларида сайраб турган қушлари, хушбўй гуллари ва уларни сероб қилиб турадиган ёмғирлари билан Марв жаннатга ўхшар эди. У ердаги олимларнинг асарлари бутун дунёга тараладн, бинобарин у ерлик олимларни бутун дунё танийди. Инсонларда бўлиши мумкин бўлган барча яхши халқни у ерда учратдим. Уларнинг ёш болалари катта кишилардек, йигитлари ва катта кишилари эса қаҳрамон... Шундай жойлар хароб бўлиб, уларнинг ўрнида қарғалар макон қурди. Мен у ердан қочиб чиқиб кетиш мумкин бўлмаган бир шароитда кўп машақатлар билан Мавсилга етиб келдим. Ҳозир мен шу ерда кўлимда қогоз, китоблар ёзиб, сабаби тирикчилик қилиб юрибман. Умидим жанобларининг ҳузурига бориш ва умримнинг охиригача ўша ер (Ҳалад)да истиқомат этишдир».

Бу хатдан сўнг Ибн ал-Қифтийнинг Ёқутга қилган ҳомийлиги унга бир неча йил «Муъжам ал-булдон»ни устида ишлаш имконятини берди. 1224 йили лугатнинг мусавваддаси битган бўлиб, унинг биринчи қўлёзмаси Ибн ал-Қифтийга бағишланди. Бу ҳақда лугатнинг кириш қисмида Ёқут шундай дейди: «Бу асаримнинг ўзим ёзган қўлёзмасини Ибн ал-Қифтийнинг кутубхонасига тортиқ қилдим, чунки у киши менга мусофирликда юрган вақтларимда кўп моддий ва маънавий ёрдам қилган эди. Замонамизнинг зўр олими бўлганлиги учун у кишидан илмий томондан фойдаланганман. Шунинг учун ўзларидан олган илмларимни яна ўзларига қайтараётибман».

Ёқут 1228 йили 1 январдан бошлаб лугатни оққа кўчиришга киришди, аммо уни тамомлай олмади. 1229 йилнинг 20 августида 50 ёшида Ҳалабнинг шаҳар дарвозаси ёнидаги «Хон» номли машҳур мусофирлар саройида дарбадарликда вафот этди. Совет арабшуносларининг отаси И. Ю. Крачковский айтганидек ҳақиқатан ҳам «Ёқут умрининг охирги ўн йилларидаги сермаҳсул ва сифатли ижоди кишини ҳайратда қоллирди».

Ёқут Моваруннаҳр ҳақида жумладан шундай дейди:

«Амунинг шарқий томонидаги жойларни Ҳайтол шаҳарлари деб аталади. Ҳайтол деб эса, Бухоро, Самарқанд, Хўжанд ва улар орасидаги жойларга айтилади. Ислом даврида, Ҳайтолни Моваруннаҳр деб аташди, аммо унинг ғарбий томонидаги жойларни Хуросон ва Хоразм вилоятн дейилади. Хоразм Хуросонга тегишли эмас. У ўзига хос, алоҳида иқлим.

Моваруннаҳр ҳамма иқлимлардан хушманзара, серунум ва даромади кўпроғидир. Одамлари саховатли, меҳнатсевар, жасур ва шижоатлидир. Уларда куч, курол-аслаҳа ва чорва етарли. Дунё бўйича серунумликда унга тенглашадиган иқлим йўқ. Моваруннаҳрда бирорта шаҳар ва қишлоқ йўқки, сув, эгинзор ва ҳайвонлари учун ўтлоқдан ҳоли бўлса. Инсонлар учун керакли ҳамма нарса у ерда топилади ва ўз халқидан ортиб четга чиқарилади. Сувлари дунёда энг ширин сув. Сут ва гўшт учун боқиладиган қора моллари ҳам, эшак, ҳачир ва туя каби юк ташиш учун хизмат қиладиган моллари ҳам етарли, улар чорваларга яхши қарайдилар. Гўштлари Туркманистоннинг ғарбий томонларидан келтириладиган қўйлар бўлиб, ўзларидан ортиб қолади. Пахтадан ишланган полослари шунчалик кўпки, ўзларидан ортиб четга ҳам чиқарадилар. Уларда ипак, жун, айниқса туя жуни, хўжанд шойиси жуда кўп; шойини ўзлари кияди, четга чиқармайди. Уларнинг мамлакатида темир кони шунча кўпки, ўзларининг курол-аслаҳа ва рўзғор асбобларидан ортиб қолади. Уларда олтин, кумуш, симоб ва бошқа маъданлар ҳам беҳисоб кўп.

Мевалари шунчалик кўпки, агар сен Сўғд, Ўшрусана, Фарғона ва Шош (Тошкент)ларнинг ичкарисига кирсанг, бутун дунёдаги меваларнинг ҳаммасидан ҳам кўп, деб биласан. У ердан олмахон, сувсар ва тулки терилари бошқа мамлакатларга олиб кетилади.

Моваруннаҳрликларга келган меҳмон хоҳ таниш, хоҳ нотаниш бўлсин, ўзини ўз уйида деб ҳис қилади. Истахрий (вафоти 934 йил) шундай дейди: «Мен Сўғдда шундай ҳовлини кўрдимки, у юз йиллан кўпроқ вақтдан бери қулфланмайди, ҳамма вақт меҳмонлар учун очиқ. Тўсатдан бу хонадонга юз-икки юзлаб меҳмонлар келади, уй эгаси ҳеч қийналмай меҳмонларни от-уловлари билан жойлаштиради ва зиёфат қила олади. Моваруннаҳр аҳолисининг кўпчилиги мусофирхона, йўлларни тузатиш ва бошқа шу каби умумий манфаат келтирадиган ишлар учун пулларини аямайди. Унинг шаҳар, гузар, чўл ва қишлоқларида ҳам четдан келадиган кишилар учун ҳозирлаб қўйилган меҳмонхонаси бор.

Моваруннаҳр хоразмшоҳ Муҳаммад (1200—1220 йиллар) истилосигача шундай обод эди. Илгари Моваруннаҳрнинг ҳар бир қутбида бир подшоҳ бўлар эди. Хоразмшоҳ келганидан кейин ўзидан бошқа ҳамма подшоҳларни йўқ қилди. Аммо уни идора қилишдан ожиз бўлгач, Моваруннаҳр аҳолисини ўз аскарига талатди ва кўчириб юборди. Қолган-қутганларини (1220—1221 йили) мўғуллар келиб хароб қилди».

Ҳ. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари кандидати.

М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети 225 ёшга тўлди.

Совет ҳокимияти йилларида бу ерда 180 мингга яқин, шу жумладан чет мамлакатлар учун етти минг мутахассис тайёрланди.

СУРАТДА: М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг биноси.

В. Егоров ва А. Стружин фотоси. ТАСС фотохроникаси.

● КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

Камолот йўлида

Тошкентда республика мактаб ўқувчиларининг фан, техника ва ишлаб чиқариш кунлари ниҳоясига етди. Бу катта тадбирнинг қатнашчилари бир ҳафта давомида турли фанларни иштиёқ билан ўрганаётганликлари, техника борасида мураккаб моделларни яратганликлари ва ишлаб чиқаришдаги ютуқлари билан ўртоқлашдилар.

Ҳафталикнинг тантанали очилиш маросими Узбекистон комсомоли Марказий Комитетининг мажлислар залида бўлиб ўтди. Унда Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Ш. Н. Маҳмудова, Ўзбекистон ССР Маориф министри ўринбосари И. С. Мўминов республика ўқувчиларининг эришаётган ютуқлари ва уларнинг олдидаги вазифалар ҳақида гапирдилар.

Ҳафталик қатнашчилари В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетида мактаб ўқувчилари учун ташкил этилган илмий-техника жамиятининг ишлари билан танишдилар, халқ хўжалик ютуқлари виставкасининг экспонатларини кўрдилар, шаҳримиз илмий муассасаларининг олимлари ва корхоналарнинг рационализаторлари билан учрашдилар. Айниқса, Куйбишев, Ҳамза, Фрунзе ва бошқа районлардаги ўқув комбинатларининг фаолияти билан танишиш ҳам ғоятда мароқли бўлди.

Шаҳримиздаги техникларнинг уйида йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг илғорлари ва новаторлари ҳафталик қатнашчиларига ўзларининг ҳаёт йўли, меҳнатдаги ютуқлари ва корхонадаги ташаббуслари ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

●

«БАРҲАЁТ ҲАМЗА»

— Булар менинг асарларимдаги қаҳрамонларим эмасми?— деди қоронғилик чўккан саҳнада пайдо бўлган шоир.

— Худди шундай, ус. тоз,— жавоб берди режиссёр.

— Буларнинг туришидан не боис?

— Биз репетиция қилямпмиз. Сизнинг асарларингиз бўйича пьесалардан парчалар тайёрлаяпмиз. Ижозат бергансангиз шуни кўрсак.

— Бемалол, қани кўрайлик.

Саҳна ёруғлашиб асосий воқеа бошланади...

Тошкент маданий-оқартув техникуми режиссёрлик бўлимининг битирувчилари диплом ишлари сифатида ўзбек совет адабиётининг асосчиси, революция куйчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга бағишланган «Барҳаёт Ҳамза» композициясини саҳнага қўйдилар.

Композицияга персонаж қилиб киритилган Мулладўст образи орқали ўтмишда эзилган ўзбек халқининг типик вакили ифодаланади. «Ким тўғри», «Бой ила хизматчи», «Майсаранинг иши» драмаларидан олинган парчада эса эзувчи синф вакилларининг башараси намоён бўлади. Композиция кишида ўтмишга ва ўша даврнинг манфур шахсларига нисбатан нафрат уйғотади, замонамизга муҳаббатни мустаҳкамлайди.

М. ОТАЕВА.

Ё Ш САЙЛОВЧИЛАР УЧУН

«Ёш сайловчиларга совет қонунлари тўғрисида» деб аталган лекторий Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлимининг ёстоҳонасида савол-жавоблар тематик кечасини ўтказиш билан ўз ишини бошлади. Бу лекторий темирйўлчилар Маданият саройи ҳузурида ишлаб турган сайловчилар клуби томонидан ташкил қилинди. Лекторий программасида юристлар билан учрашувлар ўтказиш, социалистик демократия тўғрисида, совет сайлов системасининг афзалликлари ҳақида лекция ва суҳбатлар уюштириш кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).

● *Тошкент музейлари бўйлаб*

ДОҲИЙ ҲАҚИДА КЎРГАЗМА

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали буюк доҳий туғилган кунинг 110 йиллигига атаб тематик кўргазмалар ташкил этди. Ўзбек рассомлари Ильич ҳақида яратган асарлар ва музейга қилинган совғалар кўргазмалари шулар жумласидандир.

Ҳайкалтарош Николай Андреевнинг доҳий ҳақидаги бир қатор ишлари киши диққатини жалб этади. Рассом ленинномасининг юксак намуналаридан бири «Ленин—доҳий» деб номланган мармар монументдир.

Н. А. Андреевнинг «Ўқиётган Ленин» ва «Ёзаётган Ленин» ҳайкаллари билан биргаликда доҳийнинг бошқа бир ҳайкали ҳам намойиш қилинмоқда. Уни 1967 йилда Сергей Николаевич Попов яратган эди.

Музейга туркистонлик жангчилар томонидан совға қилинган «Ленин Смольнийда» панносига И. И. Бродскийнинг машҳур асари асос қилиб олинган. Унда тарихий воқеа, Владимир Ильичнинг Смольнийда Совет давлатининг биринчи декретларини ёзаётган пайти акс эттирилган.

Сергей Колибанов яратган бир экспонатда Ленининг гипсдан ишланган қиёфаси ва пионер галстугини кўрамиз. Бу асар «Ленин вафот этди, аммо унинг иши барҳаёт деб аталади. Ана шу экспонат ҳам Тошкент музейига қилинган совғалар кўргазмасида намойишга қўйилган. Кўргазмадаги энг қизиқарли экспонатлардан бири тошкентлик уста Н. Д. Хуршидов томонидан ясалган доҳий мавзолейи макетларидир.

Маълумки, музейнинг асосий эшиги Ўзбекистон ССР халқ рассоми, машҳур наққош Қодиржон Ҳайдаров томонидан яратилган. Музей экспозицияси учун у 1923 йилда фарғоналиклар Ильичга совға қилган кўн қиррали столча ва уч курси нусхасини яратди.

Ўзбекистон рассомларининг «В. И. Ленин ва Ўзбекистон» мавзусига бағишланган қатор асарлари намойишга қўйилган зал ҳам томошабинлар диққатини жалб этмоқда. Экспонатлар орасида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Филипп Гришченконинг «Ленин ва Қосимхўжаев», Анвар Раҳматуллаевнинг мармардан ишланган «Ленин ва Крупская» асарлари бор. Ўзбекистон ССР халқ рассомлари Лутфулла Абдуллаев, Қутлуг Башаров, таниқли тошкентлик мўйқалам усталари Александр Висель, Анатолий Мельников ва бошқалар яратган расмлар ҳам алоҳида эътиборга молик.

БЕШ МИНГ ЭКСПОНАТ

Ўзбекистон милицияси жанговар ва Меҳнат шуҳрати халқ музейи ташкил этилганига беш йил тўлди. Бугунги кунда музейдаги беш мингдан ортиқ экспонат — ҳужжатлар, фотосуратлар, санъат асарлари милициянинг кечаси ва бугуни, унинг кундалик ташвишлари билан ошно этади. Музей шаҳар меҳнаткашлари, айниқса, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига яқиндан ёрдам бермоқда.

Музейни ташкил этишда милициянинг сиёсий ходимлари, тошкентлик тарихчи ва рассомлар жонбозлик кўрсатдилар. Катта фидойилик ва изланувчанлик туфайли жамланган ҳужжатлар ва хилма-хил экспонатлар социалистик мулк ва гражданларнинг ҳуқуқлари ҳимоячиси бўлган Совет милицияси ҳақида ҳикоя қилади.

Музей экспонатлари орасида шундайлари ҳам борки, улар милиция ходимларининг гражданлар уруши йилларида қўлга қурол олиб Қизил армия сафида жанг қилгани, Октябрь қўлга киритган ютуқларни ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилганлигини акс эттиради. Рассом Алексей Киряков бадиий жиҳатдан безаган кириш залида ана шундай экспонатлар билан танишиш мумкин.

Виктор Соседовнинг «Ердам бер» деб номланган бўёқли асарида ана шу суронли йилларда милиция фаолиятининг яна бир қирраси ифода этилган. Унда милициянинг етим болаларга ғамхўрлиги бадиий воситалар ёрдамида очиб берилган.

Музейда бир қатор амалий санъат асарлари — гиламлар, сўзаналар, чинни вазалар сақланяпти. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон меҳнаткашлари томонидан совет милицияси юбилейи кунида туҳфа этилган.

ВАТАНПАРВАР РАССОМ

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида шу кунларда уч кўргазма ишлаб турибди. Улар музей фондларида сақланаётган тасвирий санъат ва амалий санъат намуналаридан ташкил топган. Кўргазмалардан бири Ўзбекистон ССР халқ рассоми Виктор Иванович Уфимцев туғилган кунинг 80 йиллигига бағишланган. 1923 йилдан бошлаб 40 йил давомида рассом ижоди ўзбек халқининг ҳаёти билан унинг бадиий маданияти тараққиёти билан чамбарчас боғланган эди. Бугунги кунда намойишга қўйилган «Жанговар план», «Ер ҳақида, келажак ҳақида», «Ҳамза» ва бошқа кўплаб асарлари давримизнинг ўзига хос бадиий солномасидир. Ғоявий жиҳатдан аниқ, бадиий жиҳатдан таъсирчан бу асарлар ўша давр воқеалари кишилар руҳини ёрқин акс эттиради.

В. Уфимцев томонидан яратилган асарлар у ҳамиша ватанпарвар рассом бўлиб қолганини, ўз ижодини халққа хизмат қилишдек буюк мақсадга сафарбар этганлигини кўрсатади.

О. АПУХТИН.

• Фан—ишлаб чиқаришга

ТАДҚИҚОТЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

САМАРҚАНД областининг бу йилги пахта харитасига ўзгартишлар киритилди. Бу ерда янги, истиқболли навлар экиладиган майдонлар кенгайтирилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг олимлари шу зона учун махсус яратган «АН-Самарқанд-2» нави ўз чегараларини сезиларли равишда кенгайтирди. Шу йил баҳорда бу нав пахтазорларда 35 минг гектар ерни — республикада ўтган йили экилганига қараганда ўн баравар кўп майдонни эгаллайди.

Янги нав самарқандлик пахтакорларга жуда маъқул бўлди. Уни деярли ҳамма районларда — ҳар хил тупроқларда, қурғоқчил тоғ этаклари шароитида ва Зарафшон яқинидаги водий марказида жойлашган қулай далаларда, яқинда ўзлаштирилган массивларда ва сугориладиган эски ерларда синаб кўрдилар. Ҳамма жойда янги нав ўзини яхши тутди, ғоят чидамли эканлигини, районлаштирилган стандарт навларга қараганда уч-етти центнер ошиқ барқарор ҳосил беришини кўрсатди. У ўтган йилги об-ҳаво инжиқликларига ҳам бошқа навларга қараганда яхшироқ бардош берди. Кўклам чўзилиб кетганлигига, ёздаги ноқулай об-ҳавога қарамай қайта экилган «Самарқанд» нави унга қўшни карталардагига қараганда тахминан бир ҳафта барвақт кўсаклар очди.

Янги навнинг авторлари — биология фанлари кандидати Остон Жалилов раҳбарлигидаги ғўза гетерозиси лабораториясининг ходимлари унга айни шундай фазилатлар, яъни тезпишарлик, касалликларга, ноқулай тупроқ иқлим шароитларига комплекс чидамлилик фазилатларини бахш этишга ҳаракат қилишган эди. «Самарқанд-2»нинг ирсий аппаратида маҳаллий-маданий навлар билан радиактив ишлов берилган Мексика ёввойи ғўзасининг генетик хусусиятлари чамбарчас боғланди.

«Самарқанд-2» одатдагидан олти-саккиз кун барвақт етилишидан ташқари ҳосил ниҳоналари тўпланганлиги ва кейин унда етилиш жараёнининг ўзи анча тезроқ ўтади. Ўсимликлар ривожланиши учун энг нозик бир паллада ана шу жадаллаш ғўзани касалликларга, жумладан вилтга чалинишидан ҳимоя қилишнинг қўшимча омили бўлади. Ғўза поялари ҳосилни машинада териш учун мослаштирилган: унинг барглари майда, сийрак бўлиб, бунинг устига барглларнинг талайгина қисми кўсак пишиб етилиши пайтигача ўзўзидан тўкилади. Дефолиация учун камроқ дозадаги химикатлар талаб этилади. Бу эса пахтанинг таннархини пасайтириш нуқтаи назардан ҳам, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жиҳатидан ҳам фойдалидир.

Мутахассислар янги навнинг саноатбоп фазилатларини ҳам юксак баҳоламоқдалар. Улар стандартнинг барча талабларига мос келадиган эластик толанинг сифати яхши эканлигини таъкидлашмоқда. «Самарқанд» чигитида ҳозирги вақтда районлаштирилган энг яхши навларнинг чигитига қараганда бир-бир ярим процент кўп мой бор. Шу кўрсаткич жиҳатидангина уни кенг кўламда экишдан олинадиган иқтисодий самара миллионлаб сўмни ташкил этади.

Деҳқонлар янги навдан жуда манфаатдор эканликларининг боиси ҳам мана шунда. Лаборатория ходимлари янги нав устидаги ҳамма ишларни хўжалик шартномаси асосида ўтказмоқдалар. Дарвоқе амалий селекцияда «гибрид кучи»дан (гетерозис ҳодисасини шундай деб ҳам аташади) фойдаланиш билан боғлиқ кўпгина тадқиқотлари тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин. «Самарқандликлар оиласи»нинг кенжаси — «АН—Самарқанд—3» навининг давлат синовлари муваффақиятли ўтмоқда, бу ерда яратилган истиқболли, сифат жиҳатдан янги «Фарҳод», «Иттифоқ» навлари ва бошқа навлар синалмоқда. Буларнинг ҳаммаси бу йилги пахтачиликнинг муайян проблемаларини ҳал этишга, пахтазорларнинг унумдорлигини оширишга қаратилган.

...Вақувват ғўза тупи ясатилган арча каби. Унинг салмоқли эканлиги катта-катта оппоқ очилган чаноқларидан шундоқ кўриниб турибди. Кўсакларнинг оғирроқ бўлиб кўринганлиги тўғри бўлиб чиқди: экспертларнинг расмий хулосасига кўра, янги «АН—Узбекистон-3» пахтанинг кўсаги районлаштирилган «Тошкент-1» навининг кўсагига қараганда ўрта ҳисобда бир грамм оғирроқ. Ана шундай натижага тажриба далаларида эмас, балки ўтган йили Фарғона водийсида, Сурхондарё областида, республиканинг бошқа зоналарида минглаб гектар майдонни эгаллаган кенг пахтазорларда эришилди.

«Тошкент» навлари оиласига бевосита мансуб бўлган бу навни Тошкент зона экспериментал лабораториясида институтнинг илмий ходимлари Неъмат Фақиров ва Эркин Одилхўжаев яратдилар. Улар ана шу пахтанинг шонли турмуғини етиштиришда бевосита иштирок этдилар. Селекция ишининг янги босқичига қадам қўя туриб, улар ўз олдиларига ҳар бир ўсимликнинг — пахтани етиштириш чоғида ҳам, шунингдек уни саноат кўламида қайта ишлаш жараёнида ҳам иқтисодий самарадорлигини оширишни мақсад қилиб қўйдилар. Нав авторлари муайян мақсадда танлаб олиш йўли билан кўсакни йил сайин «оғирлаштириб» толанинг технологик сифатлари яхшиланишига эриша бордилар.

Давлат нав синаш участкаларидаги уч йиллик синовлар уларнинг куч-ғайратлари зое кетмаганлигини кўрсатмоқда. Деҳқонлар ҳозирдаёқ янги навдан фойдаланмоқдалар: икки йил аввал «Узбекистон» нави экилган майдонлар атиги бир неча ўнлаб гектар майдонни эгаллаган бўлса, ўтган йили бу нав экилган майдонлар олти ярим минг гектардан ошиб кетди, бу йил баҳорда эса олтмиш минг гектардан зиёд майдонга ана шу навни экиш мўлжалланмоқда. Риштон, Чуст ва Фарғона зонасидаги бошқа районлар хўжаликларининг пахтакорлари янги навни айниқса бажонидил қабул қилмоқдалар. Бу ерларда янги нав мутасил мўл ҳосил бермоқда. Пахта тозаловчи мутахассислар ва тўқимачилар ҳам «Узбекистон» нави тўғрисида жуда яхши фикр-мулоҳазалар билдиришмоқда. Янги пахта толасининг саноатбоп фазилатлари Тошкент тўқимачилик комбинатида, Владимир областининг Карабанов шаҳридаги III Интернационал номли ипгазлама комбинатида синаб кўрилганида мутахассислар якдиллик билан баҳо бердилар: бу тола барча кўрсаткичлари жиҳатидан стандартда кўзда тутилган талаблардан устун туради.

...Ҳозирги вақтда ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг олимлари республика пахтакорлари билан биргаликда бўлажак кўклам ишларига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Агар тадқиқотчилар учун кўклам, экин-тикин ишлари ҳамиша навбатдаги имтиҳоннинг, илмий изланишларни амалда текшириб кўришнинг бошланишидир. Давр, пахтачилик практикаси республика деҳқонларини «оқ олтин» етиштиришни тобора кўпайтириш йўлидаги қурашда пухта қуроллантиришга қодир бўлган янги самарали навлар керак деган вазифани тақозо этди. Институт лабораториясида яратилган ўн бештача истиқболли навлар давлат нав синаш участкаларида турли синов босқичларидан ўтмоқдалар. Кўкламга бориб, уларнинг бир қисми имтиҳондан ўтиб, хўжаликларнинг далаларидан доимий ўрин олади. Тадқиқотчилик изланиши туфайли вужудга келган пахта янги турларининг чигити ерга ташланади ва далаларни яшната бошлайди.

А. БАРАНОВ,
Узбекистон информация агентлиги мухбири.

ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтида В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди. Конференция уч кун давом этди. Конференциянинг яллия ва 15 та секцияси мажлисида инглиз, немис, француз тиллари факультетлари, кечки ва сиртқи факультетлари студентларининг 797 доклади тингланди. Шундан 246 доклад ижтимоий фанлар, 418 доклад филология фанлари ва 133 доклад педагогика фанларидан тайёрланди.

Ижтимоий фанлар бўйича В. И. Ленин темаларига бағишлаб тайёрланган энг яхши докладларнинг 63 таси шаҳар конкурсига тавсия этилди. Бу докладларни тайёрлашда профессорлар У. К. Калимбетов доклади тингланди. Шундан 246 доклад ижтимоий фанлар, 418 доклад филология фанлари ва 133 доклад педагогика фанларидан тайёрланди.

Ижтимоий фанлар бўйича В. И. Ленин темаларига бағишлаб тайёрланган энг яхши докладлардан 63 таси шаҳар конкурсига тавсия этилди. Бу докладларни тайёрлашда профессорлар У. К. Калимбетов ва Т. Ж. Жўраевлар мудирлик қилаётган КПСС тарихи ва марксизм-ленинизм кафедраларининг, доцентлар И. С. Саъдуллаев, С. О. Облоқулов, В. А. Ордухановлар мудирлик қилаётган илмий коммунизм, марксча-ленинча фалсафа, сиёсий иқтисод кафедраларининг ўқитувчилари намунали иш олиб бордилар.

Роман-герман филологияси ва педагогика фанлари бўйича тайёрланган энг яхши докладлардан 50 та яқини республика конкурсига тавсия этилди.

Институт ректорати, комсомол комитети ва касаба союз ташкилотлари энг яхши докладчилардан 63 студентни институт студентлар илмий жамияти советининг дипломлари ва фахрий ёрликлари билан, 30 студентни қимматбаҳо совғалар билан, 105 студентни китоблар билан тақдирлади.

К. ЖУМАНИЁЗОВ.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. РАҲИМОВ: Учувчилик касбига жуда қизиқаман. Шаҳримиздаги бундай касбни ўргатадиган билим юрти йўқ экан. Учувчиликни ўрганиш учун қаерга боришим ва кимга мурожаат қилишим керак?

Жавоб: Одатда учувчилар тайёрлайдиган билим юртларига ҳарбий комиссариатнинг йўлланмаси билан қабул қилинади. Бундай йўлланмани олиш учун ўзингиз яшаётган район ҳарбий комиссариатига мурожаат қилишингиз керак. Махсус медицина комиссияси саломатлигингиз яхши эканлиги ҳақида справка берса, район ҳарбий комиссариати йўлланма билан учувчилар тайёрлайдиган билим юртига жўнатади. Улар билим юртлари қайси шаҳарларда жойлашганлиги ва у ерга қандай боришни яхши билишади.

∴ ∴ ∴

С. ҲУСАНОВ: Улуғ Ватан урушининг биринчи группа инвалидиман. 1976 йилда давлат менга бепул «Запорожец» енгил машинаси берган эди. Орадан ўтган тўрт йил давомида у анча эскириб, айрим қисмларини алмаштиришим лозим бўлиб қолди. Мен бундай инвалидлик учун бепул олинган машиналарни ким ремонт қилиб бериши, эҳтиёт қисмларни қаердан олиш тартибини билмайман. Шунингдек, менга ўхшаган инвалидларга бирон бир ташкилот томонидан моддий ёрдам кўрсатиши ёки кўрсатмаслиги ҳақида ҳам тушунчага эга эмасман. Иложи бўлса, ана шулар тўғрисида маълумот бергансиз.

Жавоб: Улуғ Ватан уруши инвалидларига бепул машина етти йил муҳлат билан берилади. Шу давр мобайнида инвалид жорий ремонт ишларини ўз ҳисобидан амалга ошириши лозим. Кейинги пайтда бензин ва эҳтиёт қисмлар олиш учун давлат томонидан бепул машина олган инвалидларга ҳар йили 120 сўмдан қўшимча маблағ тўлаш жорий қилинди. Бу пул иккига бўлиб, яъни ҳар олти ойда 60 сўмдан берилади. Уни давлат социал-таъминот бўлимининг ходимлари инвалиднинг уйига келтириб берадилар.

∴ ∴ ∴

Н. САИДОВ, Б. МАМАТОВ: Оталаримиз Улуғ Ватан урушининг учинчи группа инвалидлари. Улар айни пайтда меҳнат ветеранлари ҳам ҳисобланадилар. Яқинда газеталарда Улуғ Ватан уруши ветеранларига бериладиган пенсиялари ошириш ҳақидаги хабарни ўқиб қолдик. Айтингчи, Улуғ Ватан уруши инвалидигами ёки меҳнат ветеранига кўп пенсия тўланади?

Жавоб: Оталарингиз барча ҳужжатларини олиб район социал таъминот бўлимига боришлари керак. Бу ерлаги ходимлар ҳисоб-китоб қилиб, уларга Улуғ Ватан уруши инвалидлиги учун ва меҳнат ветеранлиги учун қанча пенсия тайинланишини айтиб беришади. Оталарингиз ўз хоҳишларига кўра истаган пенсияларини олишлари мумкин. Улуғ Ватан урушининг инвалиди ва айни пайтда меҳнат ветерани бўлган кишилар ана шундай имтиёзга эга.

∴ ∴ ∴

Б. ЭШМУРОДОВ, И. ХУЖАҚУЛОВ: Инртилиб қолган плашч ва куртка ларни ямаб берадиган ателье уйлари адресини берсангиз.

Жавоб: Бундай ателье уйлари Вокзал яқинидаги «Узбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйида, Госпиталь бозори ёнида, София проспектидаги қариялар чойхонаси рўпарасида жойлашган.

Асримиз мўъжизалари

КОИНОТ КАЛИТИ

Газетамизнинг ўтган йилги сонларида «Етти мўъжизанинг давоми» рубрикаси остида босилган материалларда Қадимги Юнонистонда «Дунёнинг етти мўъжизаси» номи билан машҳур бўлган обидалар (эҳромлар, ҳайкаллар, мақбара ва ҳоказо) тўғрисида ҳикоя қилган, уларни юнонларга маълум бўлмаган, лекин «мўъжиза» деб аташга лойиқ бошқа ёдгорликлар билан таққослашга ҳаракат қилинган эди.

Бундан эллик йилча муқаддам Англияда чиқадиган газеталардан бири ўз ўқувчиларига мурожаат қилиб: «Сиз асримизнинг еттита мўъжизаси деганда никаларни тушунасиз?» деган саволни ўртага ташлади. Шунингдек, марказий «Известия» газетасига илова тарзида чиқариладиган «Неделя» ҳафталиги 1973 йилда худди шундай савол билан ўқувчиларга мурожаат қилди.

Ҳар иккала газетага келган жавоблардан маълум бўлдики, XX аср кишилари «мўъжиза» деганда машҳур обидаларни эмас — (улар ҳар қанча серҳашам бўлишидан қатъий назар), балки асосан илм-фаннинг энг катта ютуқларини тушунишар экан.

Газетхонлардан Сундай жавоблар келиши тасодифий эмас, албатта. Биз яшаётган асрки Саъзан «атом асри», Саъзида «электрон-ҳисоблаш машиналари асри», «космик парвозлар асри» деб аташ расм бўлган. Буларнинг ҳаммасини жамлаб, бир сўз билан айтадиган бўлсак, асримиз, ҳақиқатан ҳам, илм-фан асридир. Оламмлар фанда шу пайтгача кўз кўрмб, қулоқ эшитмаган ҳақиқий мўъжизаларни яратмоқдалар.

Бундан буён газетамиз саҳифаларида фаннинг ўқувчилар томонидан «мўъжиза» деб баҳоланган ютуқлари тўғрисида материаллар бериб борамиз.

Ер курраси тарихига фикран назар ташласак, сайёрамизда содир бўлиб турадиган геологик фалокатлар, жуда катта территорияларнинг муз билан қоплаши, қитъалар ҳаракати, зилзилалар ва вулканлар отилиши, бутун-бутун ороллларнинг пайдо бўлиши ёки сув остига чўкиб, йўқ бўлиб кетиши, умуман ерда бўлаётган ҳаёт дарахтининг пайдо бўлиши (инсоният бу дарахтнинг бир шохи, холос)— булар ҳаммаси бирин-кетин қуёш нурларининг таъсири остида содир бўлади. Она-табиатнинг бутун жозибадорлигини таъмин этган унинг ранго-ранглиги ҳам аслида қуёш нурларидандир. Анорга— қизиллик, узумга — олтин ранг, пахтамизга — қумуш ранг берувчи қуёш нурлари бўлмаса, уларнинг ҳаётбахш ҳарорати бўлмаса, умуман Ерда ҳаёт бўлмас эди.

Шу боисдан ҳам халқлар қадим замонлардан буён қуёшга сиғинганлар, уни Ердаги қимирлаган жоннинг бирдан-бир яратувчиси, деб билиб, худо даражасига кўтарганлар. Милоддан илгариги даврлардан қолган тошлардаги ёзувларда қуёш шанъига, унинг ҳаётбахш нурларига атаб айтилган қўшиқларнинг текстлари топилган.

Одамзод ёруғлик нурининг табиатини билишга азалдан ҳаракат қилиб келди. «Нур нимадан иборат?» деган масала устида олимлар асрлар давомида бахслашиб келдилар. Қуёш ва Ойнинг чиқиши, ботиши, юлдузли осмон азалдан шоирларга илҳом манбаи бўлиб келган. Бу ўринда узоққа бормай, Алишер Навоийнинг Лутфийни қойил қолдирган машҳур ғазалидан бир байт келтириш кифоя:

Оразин ёқоч, кўзумдин
сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз,
нисҳон бўлғоч қуёш.

Навоий ғазалларидан бирида биз нур туфайли кўрамиз, нурнинг ўзи эса «кўздан нисҳон» дейдики, бу фикр улуғ шоиримизнинг нурга тадқиқотчи сифатида ҳам қараганлигини кўрсатади.

Ерга қуёш нурларининг икки миллиарддан бир улушигина етиб келади, холос. Аммо ер юзида «ҳаёт» деб аталган дарахтнинг униб чиқиши, илдиз отиши ва ўсишда давом этиши учун шунинг ўзи кифоя! Гарчи инсоният пайдо бўлгандан бери қуёш нурларининг табиатини билишга ҳаракат қилиб келаётган бўлса-да, лекин «Нур нимадан иборат?» деган энг муҳим саволга нисбатан яқинда — бундан уч юз йилча бурун жавоб топилди. Бунинг учун буюк инглиз олими Исаак Ньютоннинг даҳоси керак бўлди. Ньютон оптика бўйича қилган лекцияларидан бирида бундай деган эди: «Оқ рангни ҳамда оқ билан қора ўртасидаги барча бўз рангларни турли ранглардан ҳосил қилиш мумкин. Қуёшдан келаётган оқ нур зарур нисбатда аралашган бирламчи ранглардан тарқиб топгандир».

Ньютон 1665—1666 йилларда дераза эшигидаги тешикдан тушаётган қуёш нурларини уч қиррали шиша призмадан ўтказиб, экранга камалакдек ранго-ранг товланувчи тасвир туширди. Тўғри, бунга ўхшаш тажрибалар Ньютондан олдин ҳам қилиб кўрилган эди. Ньютоннинг даҳоси, унинг фан олдидаги жуда катта хизмати шундаки, у бу ҳодисани бошқалардан кўра анча чуқур тушуниб, оқ нурнинг айни бир хил тартибда турли ранглларга ажралиши ўзгармас физикавий қонунлардан бири эканлигини исботлаб берди. Ньютон, шиша призмада қуёшдан келаётган оқ нурни таркибий қисмларга ажратиб берса керак, деб тахмин қилди ва бу тахминини тажрибада синаб кўрди. Бунинг учун у битта оддий нурни, чунончи, қизил нурни бошқа бир призмадан қайта ўтказиб кўрди. Қизил нур қизиллигича қолаверди. Демак, призма мураккаб таркибли оқ нурни ҳақиқатдан ҳам оддий нурга ажратиб берар экан. Бу оддий нурларни призма ёрдамида қайтадан тўплаб, яна оқ нур ҳосил қилиш мумкинлигини ҳам Ньютон тажрибада кўрсатиб берди.

Кўклам пайтида ёмғирдан сўнг осмонда ял-ял товланган камалакни кўриб, ундан бир дунё завқ олмаган киши топилмаса керак. Баъзан ҳатто қўшалоқ камалакни ҳам томоша қилиш мумкинки, буни халқимиз Ҳасан-Ҳусан камалаги деб атайди. Шунингдек, офтоб чарақлаб турганда ғўзал Тошкентимиздаги кўпдан-кўп фаворалар бўйига келиб, маълум бир нуқтадан кузатсангиз, камалакларнинг жилваланишини кўриб кўзингиз тўймайди. Совун кўпигига ёруғлик тушиши натижасида ҳам унда митти камалак ҳосил бўлади. Бу ҳодисаларнинг ҳаммаси битта сабаб туфайли — ёруғлик нурининг шаффоф жисм ўтганда таркибот қисмларга ажралиши натижасида содир бўлади. Бунда сув зарралари Ньютон тажрибасидаги призма ролини ўйнайди.

Бу ўринда оқшомхонда шундай бир ўринли савол туғилиши мумкин: наҳотки ранглар бор-йўғи етти хил бўлса, ахир табиатда ранглар ниҳоятда кўп-ку? Ҳа, ранглларнинг туслари беҳад даражада кўп, аммо барча ранглар ана шу еттита асосий ранглнинг турлича нисбатда қўшилишидан ҳосил бўлади. Биргина лак бўёқ саноати 1248 рангда бўёқ ишлаб чиқаради. Шундан 111 тасига қатъий ном берилган. Қолган 1137 хил сунъий бўёқнинг ўзи бор-у, лекин номи йўқ. Ҳа, уларга қатъий ном беришга тил ожизлик қилаётир.

Мураккаб нурнинг рангдор оддий нурларга ажралиши ҳодисаси дисперсия дейилиши, ранго-ранг нурларнинг экранга тушган камалаксимон тасвири спектр деб аталишини ҳозир мактаб ўқувчилари ҳам яхши билишади. Аммо ўз даврида бу кашфиёт шу қадар кутилмаган янгилик бўлдики, уни кўплар очиқдан-очиқ инкор этди. Яна кимлар денг? Бу ерда фақат бир кишини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя.

Маълумки, Иоганн Вольфганг Гёте фақат улуғ ёзувчигина эмас, забардаст табиатшунос ҳам бўлган эди. У табиатдаги нур ва ранглари тадқиқ этишга ўттиз йилдан ортиқ умрини бахшида этган. Лекин Гётедек зукко бир одам Ньютоннинг оддий, лекин айни вақтда буюк кашфиётига бир талай эътирозлар билдирган. Шунга қарамай. Гётенинг ранглар назариясига, хусусан кўз физиологияси ва психологиясига оид асарлари тарихий аҳамиятга эга бўлиб қолаверади.

Ньютон қуёш нурларини таркибий қисмларга ажратган кунни спектрал анализ усули ёки спектроскопия туғилган кун деб ҳисоблаш мумкин. Ньютондан икки юз йилча кейин ўтган немис олимлари Г. Кирхгоф ва Р. Бунзен спектрдан моддаларнинг химиявий тузилишини ўрганишда фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиб бердилар. Шундан кейин спектрал анализ усули ёрдамида Қуёш ва юлдузлар таркиби ўрганилди, илгари маълум бўлмаган химиявий элементлар (гелий, рубидий, цезий, таллий, индий, галлий) кашф қилинди. Шуниси қизиқки, баъзи элементларнинг табиатда мавжудлиги (масалан, Қуёшда гелий элементи борлиги) спектрал анализ усули ёрдамида исбот қилингандан кейингина улар Ерда ҳам (жумладан, атмосфера ҳавосида) борлиги аниқланди. Шундай қилиб, спектрал анализ моддаларнинг атом ва молекуляр таркибини сифат ҳамда миқдор жиҳатдан аниқлашнинг қудратли ва ғоят ишончли қуроли бўлиб қолди.

Буюк боболаримиз Абу Райҳон Беруний, Улуғбек ва бошқалар самовий жисмларнинг кўринма ҳаракатларини кечалари мижжа қоқмай кузатар эканлар, бу жисмларнинг нималардан таркиб топганлигини ерда туриб билиш мумкинлигини ҳаёлларига ҳам келтирмаган бўлсалар керак. Уларнинг ишларини давом эттираётган ҳозирги олимларимиз фақат Қуёшнинггина эмас, кўз илғамас олисликлардаги юлдузларнинг ҳам камалаксимон спектрини негативга тушириб, уларнинг химиявий таркиби, ҳарорати, ҳаракат тезлиги ва бошқа-бошқа маълумотларни аниқ айтиб бера оладилар.

Спектрал анализ усули ниҳоятда оддийлиги, сезгирли ва намуналар таркибидаги жуда оз аралашмаларни ҳам тез аниқлашга имкон бериши туфайли саноатда, фан ва техниканинг турли жабҳаларида кенг қўламда қўлланилмоқда. Хусусан геология, металлургия, машинасозлик каби бевосита амалиёт билан боғлиқ соҳаларда ниҳоятда қўл келмоқда. Самовий жисмлар таркибини ўрганишда эса спектроскопия чинакам инқилоб ясали, десак сира муболаға бўлмайди.

Хусусан бизнинг кунларимизда космик аппаратларнинг Ер атмосферасидан ташқарига учирилиши спектрал анализларнинг аниқлигини юқори даражада ошириб, спектроскопия олдида янгидан-янги уфқлар очиб бермоқда.

А. МУҲАММАДҚУЛОВ.



190-ўрта мактабнинг спорт залида волейбол бўйича «Главташкентстрой 4-қурилиш трестининг» бирин чилиги бўлиб ўтди. 19-қурилиш бошқармасининг волейболчилари трест чемпиони унвонини қўлга киритдилар.

СУРАТДА: 19-қурилиш бошқармасининг волейбол командаси тўла составда.

В. Плетинский фотоси.

«ЁШЛИК» АРЕНАСИ СОВРИНИ УЧУН

Тошкентда ниҳоясига етган ўсмирлар енгил атлетика мусобақаларида республиканинг турли кўнгилли спорт жамиятлари ва идораларининг икки юздан зиёд спортчиси иштирок этди. Бу қишки турнир «Ёшлик» спорт аренаси таъсис этган махсус совринларнинг эгаларини аниқлаб берди.

Анъанавий биринчиликнинг асосий совринлари «меҳнат» кўнгилли спорт жамияти Марказий Советининг ёш енгил атлетикачиларига топширилди. Мутахассислар шу жамият намояндалари чопқир Татьяна Устинова билан сакровчи Дмитрий Литвиненконинг программа айрим турларидаги муваффақиятини таъкидлашди. Фаргоналик спартакчи қизлар Ольга Моругина ва Любовь Кирюхиналар ҳам бу мусобақада муваффақият қозонишди.

Ёш енгил атлетикачилардан сўнг совринлар учун баҳса катта ёшдаги спортчилар киришадилар.

Мусобақалар хроникаси

Сув полоси бўйича мамлакат Олимпиада терма командаси жиддий беллашувларга тайёргарлик ишларини бошлаб юборди. Унинг составида ҳамшаҳримиз Эркин Шагаев ҳам бор. Терма команда Италияга жўнаб кетди. Бу ерда у Италия терма командаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказади. Кейин ватерполчиларимиз Москвада Венгрия терма командаси билан куч синашади.

* * *

Москва ва Калининград шаҳарларида волейбол бўйича олий лига аёллар командалари иккинчи тур учрашувларини бошлашди. Дастлабки куни Тошкентнинг «Автомобилист» командасининг қизлари Москва области педагогика институти спортчиларини 3:1 ҳисобида енгдилар. Ҳамшаҳарларимизнинг Марказий армия спорт клуби волейболчилари билан бўлган учрашуви ниҳоятда кескин вазиятда ўтди. 3:2 ҳисобида ҳамшаҳарларимиз фойдасига ҳал бўлди.

* * *

Қисқа дам олишдан кейин мамлакат биринчилигининг биринчи лигасида қатнашаётган «Бинокор» сафарда — Қозон шаҳрида маҳаллий Урицкий номли спорт клуби билан икки учрашув ўтказди. Дастлабки учрашувда 6:5 ҳисобида ғалаба нашидасини сурган ҳамшаҳарларимиз такрорий учрашувда 2:3 ҳисобида имкониятни бой беришди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/I да Сеғри ҳақида қисса, 16/I да Оламнинг яратилиши.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/I да Олтин девор, 16/I да Олтин девор.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/I да Ўжарлар.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Бобомурод ҲАМДАМОВ иштирокида КАТТА КОНЦЕРТ (15/Iда соат 19.30 да 16/I да 16.00 да).

КИНО

16 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ОЛТИН КУЗГА КЕЛАСАН» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.

«ФАЛАСТИНЛИКЛАР: ЯШАШ ҲУҚУҚИ»— Қозоғистон.

«ОЛТИНЧИ ТУИҒУ»— Навоий номли.

«БОЛТИҚ ЎЗГА ТИНЧЛИК ШАМОЛЛАРИ ЭСМОҚДА»— Москва.

«ДНЕПР БЎЙИ ЧИРОҚЛАРИ»— Фестиваль.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БЕҲУДА УРИНИШ» — ВЛКСМ 30 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 33-44-52). Узбекистон ССР 25 йиллиги номли (тоқ соатларда, телефон 53-65-87). Лисунов номли (тоқ соатларда, телефон 96-63-60). Ҳамза номли (жуфт соатларда, телефон 91-10-51). Искра (16, 18, 19.45, телефон 39-14-59).

«СЕВГИМ МЕНИНГ, ҚАИҒУМ МЕНИНГ»— Восток (кичик зал, жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«КИЧИК МАСХАРАБОЗ»— Тинчлик (тоқ соатларда, телефон 53-86-07).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

15 ЯНВАРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 Ноқоратупроқ қишлоқлари қурилиши ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 19.00 «Тўлқин ва қуёш». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Биз ошиқ бўлганда». Фильм-концерт. (Минск). 19.50 «Фан оламида». 20.20 «Очиқ китоб». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-фильм. 1-серия. Давлат телерадиоси буюртмасига биноан «Ленфильм»да тайёрланган (1979 й), 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 СССР халқ артисти И. Архипова иштирокида фильм-концерт премьераси. 22.35 «Дунё воқеалари». 22.50 «Мўъжизасиз мўъжизалар». Кинолова.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.30 Мультфильм. 18.25 «Дастлабки пионер гулханларининг алангаси» (рус.). 18.55 «Миллионлар ленинча университети». «КПССнинг Ленин ғоялари ва васиятларига садоқати». 19.10 «Узбекистон —Ноқоратупроқ ерларга». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 Узбекистон телевидениеси ва радиоси ўйлар ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Рояль олдидаги суҳбатлар». Г. Назарова. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Чорвачилик — заррдор фронт». «Қишлов— масъулиятли давр». 22.20 «Отасизлик». Бадиий фильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

16 ЯНВАРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион порграммаси. 9.40 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.05 Мультфильмлар программаси: «Рангли сут», «Гришканинг китоблари». 10.25 «Очиқ китоб». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-фильм. 1-серия. 11.35 «Киносаёҳатчилар клуби». Кўрсатувни Ю. А. Сенкевич олиб боради. Кўрсатув тугагач (12.35)— Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Красноярликлар». Ҳужжатли фильм. Свердлов киностудияси. 16.10 Халқ оҳанглари. 16.30 «Мураббий». Телевизион журнал. 17.00 «Уфқ». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 18.00 «Рус тили». 18.30 «Горичилар қаердасиз!». 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Қалбга яқин қўшиқлар». 20.10 «Очиқ китоб». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-фильм. 2-серия. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Останкино концерт студиясида Қ. Кулиев шеърияти кечаси. Кўрсатув тугагач (23.35) — «Дунё воқеалари». Информацион кўрсатув.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Капелла». Болалар учун фильм-концерт. 11.45 «Петя лақабли қуён қандай қилиб балиқни бўлгани ҳақида», «Петя лақабли қуён қандай қилиб шаҳарга борди». Қўғирчоқ фильмлар. 12.15 «Отасизлик» Бадиий фильм. 13.40 Биринчи лига эркаклар командалари ўртасида волейбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тошкент)— «Қурраппаратура» (Вильнюс). «Меҳнат резервлари» спорт комплексидан репортаж (ёзиб олинган).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Қуёш қизи». Мультфильм. 18.40 «Тенгдошлар ижоди». 19.10 «Қишлоқ ҳаёти». Пастдаргом хўжаликлараро чорвачилик комплексининг иш тажрибаси ҳақида (рус.). 19.30 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.45 Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига. «Ибн Синонинг илмий мероси ва ҳозирги замон медицинаси». 20.15 «Вернора Қориева рақса тушади». Фильм-концерт. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Сабо етқур саломимни» Концерт. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 Телевизион театр. А. Алексин. «Юр, кинога борамиз».

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Эстетика асослари. «Санъат турлари» Музика. (рус.). 19.20 Реклама. 19.40 «Икки эзма». Телевизион бадиий фильм (рус.). 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. «Колхоз ва ер ҳуқуқи». 20.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

Тошкент политехника институти кечки ва сиртқи бўлимининг партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда олий математика кафедраси коллективи шу кафедранинг катта ўқитувчиси У. Илҳомова отаси

Шоилҳом ҒУЛОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

юқори малақали мутахассислар — зоотехниклар (эркаклар)

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй. 3-подъезд, 5-хона, — Аҳолини ишга жойлаштириш бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Ўрта Осиё темир йўлининг

ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ ДЕПОСИГА

машинистлар, тепловоз машинистларининг ёрдамчилари, тепловозлар ремонти бўйича слесарлар, токарлар, электр-газ пайвандчилар, дурадгорлар, ғишт терувчилар, сувоқчилар, бўёқчилар

КЕРАК

Кичик онлаликлар турар жой, ёлғизлар ётоқхона билан таъминланадилар. Депо ишчилари учун темир йўл транспортида бериладиган имтиёзлар қўлланилади.

«Главташкентстрой» «СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» трестининг»

54-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда минорали кран машинистларини тайёрлайдиган

4 ЯРИМ ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 18 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Машғулотлар рус тилида олиб борилади.

Ҳар ойда 75 сўмдан стипендия тўланади.

Ёлғиз кишилар ётоқхона ва прописка билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 19-уй, ўқув комбинати («Радость» магазини қаршисида).

Табиий газдан фойдаланувчи абонентлар

ДИҚҚАТИГА!

«ТАШГАЗ» БИРЛАШМАСИ

Фойдаланилган табиий газ учун ҳақни ўз вақтида тўлашингизни

СУРАЙДИ

Фойдаланилган газ учун қарзи бор абонентлар уни тезда тўлашлари зарур. Акс ҳолда газ бериш огоҳлантиришсиз тўхатиб қўйилади.

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЕХНИКУМИ

6 ойлик, пуллик

ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИНИ ОЧДИ

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, Сарикульская кўчаси, (39-автобуснинг «Темир йўл транспорти техникуми» бекати). Телефонлар: 39-28-25, 32-40-85.

Тошкент ҳисоб-кредит техникуми томонидан **Мингниязов Қарши** номига берилган 637405 номерли йўқолган

ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов районидаги 106-ўрта мактаб томонидан **Раҳимов Абдуманнон Халилович** номига берилган 16-71-74. номерли йўқолган

ЎРТА МАЎЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги «УЗБЕККОНЦЕРТ»

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

22, 23, 24, 25 ЯНВАРЬ СОАТ 20.00 ДА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ЛЕНИНОБОД РЕСПУБЛИКА МУЗИКАЛИ КОМЕДИЯ ТЕАТРИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ҲОНАНДАЛАР:

Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артист ЖУРАБЕК НАБИЕВ

Каромат ҲОЖИЕВА, Абдурахим НЕЪМАТОВ, Шариф НУРМАТОВ, Аҳмаджон ОЧИЛБОЕВ, Абдурахмон ҲАСАНОВ, Асрор КАМОЛИДДИНОВ.

РАҚҚОСАЛАР:

Феруза АЮБЖОНОВА, Гулеидом АЮБЖОНОВА, Хайри БЎРИЕВА, Сафрон ЕДГОРОВА, Мўътабар ҚОСИМОВА, Норинисо ХОЛШАЙХОВА, Ольга СОШНИК.

ТОЖИК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Музика раҳбари — Ҳожи АЛИМАТОВ.

Программани — Абдурахим НЕЪМАТОВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

БОШ УНИВЕРМАГДА

15—22 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ

ДНЕПРОПЕТРОВСК РАДИОЗАВОДИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН РАНГЛИ ВА ОҚ-ҚОРА ТАСВИРЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАРНИНГ

Савдо-кўргазмаси ўтказилади



Савдо-кўргазмасида «ЯНТАРЬ-714» маркали рангли ва «ВЕСНА-308» маркали оқ-қора тасвирли телевизорлар намойиш қилинади.

Агар Сиз савдо-кўргазмасидан телевизор сотиб олсангиз унга гарантияли хизмат кўрсатиш муддати бир йилга узайтирилади.

ТЕЛЕВИЗОРЛАРНИНГ САВДО-КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ГУМ Охунбобоев майдонида жойлашган (3, 1, 2, 6, 14, 18-троллейбуслар, 7, 8, 11, 16, 19-трамвайлар, 28, 35, 46, 36, 32, 29, 64, 53, 43 «э»-автобуслар, 9-, 20-, 22-, 13-маршрутли такеиларда бориш мумкин.

ГУМ соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

Дам олиш куни — душанба.

ГУМ «УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрсссагентлиги.

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ АТЕИЗМ УЙИ

КЎРГАЗМА ЗАЛИ ВА «АТЕИСТ» КИНОЛЕКТОРИСИГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АТЕИЗМ УЙИ ДАМ ОЛИШ КУНИСИЗ СОАТ 9.00 ДАН 18.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

ЗАЛДА ИККИ БЎЛИМ НАМОЙИШ ЭТИЛГАН:

ФАН ВА ДИН.

ДИН ВА АТЕИЗМ ТАРИХИ.

Дин ва атеизм тарихи бўлими диннинг гносеологик, социал ва тарихий келиб чиқиш манбалари ҳақида ҳикоя қилади.

Кўргазмага палеолит даври меҳнат қуроллари, худолар, пайғамбарларнинг макетлари, шаманларнинг зикр ниқоблари қўйилган. Иудаизм, буддизм, христиан ва ислом дини мисолларида диннинг синфий жамиятдаги моҳияти очиб ташланган.

Бўлимлар муляж (ўрта асрлаги қийнов қуроллари)лар ва «Римда қуллар қўзғолони», «Инквизиция камераси». «Зиндон» ва бошқа диорамалар билан тўлдирилган.

«Фан ва дин» бўлимида жаҳон ва совет фани ютуқларидан фойдаланилган ҳолда диннинг материалистик, атеистик дунёқарашга мутлақо зид эканлиги ишонарли қилиб исботлаб берилган.

ҚУЙИДАГИ ДИОРАМАЛАР МАВЖУД:

«Д. Брунонинг ёндирилиши», «Қуёш системаси», «Луноход», «Восток-1» космик кемасининг макети ва бошқалар.

Экскурсиялар ўтказиб борилади. «Атеист» кинолекторийсида бу ерга ташриф буюрувчилар учун оммавий тадбирлар ўтказилади.

Экскурсияларга заявкалар атеизм уйининг кўргазмалар бўлимидан олдиндан расмийлаштирилади ёки 44-28-21 номерли телефон орқали буюртма берилади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Бешоғоч кўчаси, 1-уй (2, 3, 6, 7, 12, 14-троллейбуслар, 11, 13, 69, 103 131-автобуслар-нинг «Бешоғоч» (Комсомол кўли) бекати).

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат—32-56-81; ахборот — 33-28-95 спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; аъзолар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94 нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

15 ЯНВАРЬ, 1980 й. Р—07028. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64582 Нашр Б—2026. 5